

# Xabar

8  
(805)-son

22-fevral

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



## 2008 ЙИЛДА СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР:

- ҳукумат томонидан қабул қилинган соҳани ривожлантиришга йўналтирилган муҳим қонун ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш;

- макронотсиодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг исчи ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни қўйайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни давом эттириш;

- 2008 йил бўйича Инвестиция дастурига қартилган лойиҳаларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга хорж сармояларнинг жалб этиш борасидаги ишларни олиб бориш;

- хусусий бизнес ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш, сервис инфра-тузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш;

- қишлоқ жойларини замонавий хизматлар билан тўлиқ қамраб олиш бўйича тегишли чораларни кўриш ва мазкур тафовутларни камайитириш;

- давлат ва бошқарув органларида АҚТни кенг ривожлантириш, электрон ҳукумат бирламчи компонентларини жорий этиш. Электрон рақамли имзо, Электрон хат алмасиув, Электрон тижоратни ривожлантириш;

- ахборот-кутубхона марказлари китоб фондларини хатловдан ўтказиш, уларда тегишли таъмирлаш ишларини олиб бориш, электрон ахборот ресурсларини яратиш;

- Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидениени ишга тушириш, сўний йўлдош орқали қўшимча телевидение каналини ишга тушириш;

- соҳада ёш кадрларни тайёрлаш тизимини таҳия этиш, ўқиб жараёни билан ишлаб чиқаришни узвий боғлаш ва ёшларни ишга олишда уларни қўллаб-қувватлаш.

## Яқунлар ва режалар

Тошкент ахборот технологиялари университетининг катта мажлислар залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг 2007 йил яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис видеоселектор орқали вилоятларга, аудиоселектор орқали туманларга узатилди.

Йиғилишни Агентлик Бош директори А.Арипов бошқарди ва "2007 йилда алоқа соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" маъруза қилди.

Соҳа раҳбари ўз маърузасида 2007 йилда амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар ҳамда баъзи камчиликларга батафсил тўхталиб, 2008 йилнинг энг муҳим устувор вазифалари ҳусусида сўз юритди. Маърузада таъкидланганидек, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 882,2 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Барча даромадларнинг 58,6 фоизи, яъни

517,1 млрд. сўм аҳолига хизмат кўрсатишдан олинди. Бу кўрсаткич 2006 йилдагидан 75,6 фоиз юқоридир. 2006 йилга нисбатан кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми: шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 4,7 фоиз, жўнатмалар 19,6 фоиз, пул ўтказмалари 3,5 фоизга ўсди. Агентлик бўйича экспорт 31,09 млн. АҚШ долларини ташкил этди, белгиланган режа 105,3 фоизга бажарилди. Асосий телефонлар сони 36,2 мингтага ошди ва 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра 1,81 млн. дона (йил бошида — 1,774 млн.дона)ни ташкил этди. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра мобил алоқа абонентларининг сони 5,888 млн.тани ташкил этди.

2-3-БЕТЛАР



Кенг қамровли  
сугурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



**UzNet**  
Internet Service Provider  
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN —  
JUMAGACHA

✓ 15 fevral kuni Xalq deputatlari Xorazm viloyati kengashining navbatdan tashkari sessiyasi бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. И.Бобононов Хоразм вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислон Каримов тавсиясига кўра Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Оллаберган Оллаберганов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга 19 феврал кuni Оқсаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Зауитбек Турисбеков ишонч ёрлигини топширди.

Давлатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссиясида муваффақият тилади.

✓ "The Korean Post" журналининг жорий йилдаги ilk сонида Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди. Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган Президентлик сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган "The Korean Post" журнали бошқаруви раиси ҳамда бosh муҳаррири Ли Кюнсик ушбу мақолалар муаллифидир.

✓ Мамлакатимиздаги мавжуд олий ўқув юрларида олина аёллар сафини кенгайтириш, ёш тадқиқotchилари кўллаб-қувватлаш мақсадида илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб борилмоқда. Олина аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни мавзусидаги навбатдаги тадбирнинг очилиш маросими "Ёшлик" талабалар шахарчаси Маънавият ва тарбия марказида бўлиб ўтди. Унда педагогика, таълим, маданият, спорт, техника, ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодиёт каби йўналишлар бўйича шўъба йиғилишлари ўтказилди.

Анжуман доирасида хотин-қизларнинг фан-техника тараққиёти борасида эришган ютуқларига оид махсус кўргазма ҳам ташкил этилди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

## ИНВЕСТИЦИЯ

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 269,5 млрд. сўм инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилди. Хусусан, бюджет маблағлари ҳисобига — "Оммавий телекоммуникация соҳасидаги мониторинг маркази учун телерадиодастурларини архивлаштириш қурилмаларини сотиб олиш" лойиҳаси бўйича — 0,5 млрд. сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 7,2 млн. АҚШ доллари ёки 9,07 млрд. сўм ўзлаштирилди. Натижада республикаимизда радиочастота спектрининг техник назорат тизимини такомиллаштириш учун битта стационар, олти мобил радио мониторинг станцияси ва 11та ўлчов-тест мажмуаси ишга туширилди. Тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича 206,3 млн. АҚШ доллари ёки 259,88 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Хитой Тараққиёт банкнинг 15,6 млн. долл. кредити ҳисобига "Ўзбек-телеком" АК телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида "Хуавей" компанияси томонидан барча лотлар бўйича қурилмалар келтириб ўрнатилди. Ана шу ишлар натижасида 67 база станцияси, 4 мобил алоқа коммутация станцияси, 36 тўплам узатиш тизими қурилмаси, Тошкент шаҳрида 123700 рақам ва вилоятларда 135600 порт бўлган рақамли телефон станциялари ишга туширилди. Бу қишлоқ жойларида абонентларга сифатли алоқа хизматини кўрсатиш ва кенг турдаги телекоммуникация хизматлари, яъни маълумотлар узатиш ва интернет хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратди. Шу билан бирга, Қарши-Термиз магистрал алоқа линияси ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 400 км. оптик-толали кабел ётқизилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг билим олишларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида университет ҳудудида 1200 ўринли иккита уч қаватли ўқув биносини қуриш ишлари якунланди ва ишга туширилди.

## ҲАМКОРЛИК

Ҳисобот даврида Литва Республикаси Алоқа маъмуриятлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий базани яратиш ва янгилаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Литва Республикаси Алоқани бошқариш хизмати билан Алоқани бошқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ва Кореянинг рақамли имкониятларни ривожлантириш агентлиги (КАДО) томонидан ТАТУ қошида "Интернет Плаза" ахборотдан фойдаланиш марказини очиш тўғрисида Меморандум имзоланди ва марказ Корея Алоқа ва ахборот вазири Ю Ёнг Хваннинг 2007 йил октябр ойида юртимизга қилган ташрифи чоғида очилди.

Сингапурнинг "Union Tech Asia Pte. Ltd." ва Жанубий Кореянинг "Esse Chemicals Corporation" компаниялари билан Ўзбекистон Республикасида оптик-толали алоқа кабеллари ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида Меморандум, Хитой Халқ Республикаси "Founder" корпорацияси билан юртимизда LCD мониторларини биргаликда ишлаб чиқариш тўғрисидаги Битим имзоланди.

2007 йилнинг 24-28 сентябр кунлари пойтахтимизда Ахборот техно-

логиялари ҳафталиги, АКТни ривожлантириш бўйича Миллий саммит ва Ахборот технологиялари бўйича биринчи миллий кўргазма — "ICTExpo 2007" ўтказилди. Ҳафталиқда Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош қотиби Ҳамадун Туре иштирок этди.

ХИЗМАТ КўРСАТИШ  
ВА СЕРВИС

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги

Вақтли матбуот нашларини тарқатиш ва обунани қабул қилиш бўйича Ёш дастурчиларни кўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда янги автоматлаштирилган обуна дастури ишлаб чиқилди ва ушбу дастурни компаниянинг вилоят корхоналарида кўллаш мақсадида дастур имкониятларини кенгайтириш бўйича ишлар якунланмоқда. Маълумотларни узатиш тармоғи орқали даврий нашларга ва ҳар хил товарларга буюртмалар қабул қилиш йўли билан электрон

## Яқунлар ва



2007 йил

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида "Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг 10 000 рақамга мўлжалланган коммутация маркази ўрнатилди.

25 октябр кuni Корея Республикаси алоқа ва ахборот вазири Ю Ёнг Хван бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Меморандум "Интернет Плаза" ахборот технологиялари марказининг очилишида иштирок этишди.

"Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг 2006 йил фаолиятлари якунларини инобатга олган ҳолда 2007-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

2007-2008 йилларда "Ўзбектелеком" АК томонидан қишлоқ ҳудудларида ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатувчи 400та кичик тадбиркорлик субъектини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг сони 254тага етди. Режа 130,3 фоизга бажарилди.

Почта алоқаси соҳасида электрон жўнатмалар хизматидан фойдаланувчилар сони 18,77 мингдан ошди. Янги хизматларни кўрсатувчи почта объектлари 281тани ташкил этиб, режа 59,2 фоизга бажарилди. Почта алоқаси объектлари қўшимча 183та компьютер ва почта алоқаси бўлимлари 1800та электрон тарози билан таъминланди.

"Алоқабанк" АТБнинг пластик қарточкаларидан фойдаланиш учун 101та иш ўрни терминаллар билан жиҳозланди. Бу 281та почта алоқаси объектида, шу жумладан, еттита қишлоқ жойларида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда почта-касса амалиётларининг бажарилиши, 23та интернет-кафеда 103та фойдаланувчи ўрнини ташкиллаштириш, 143та почта алоқаси объектининг "Ўзбектелеком" АК биллинг тизимига улаш, яъни онлайн тартибда тўловларни амалга ошириш имкониятларини берди.

Ҳисобот даври давомида "Матбуот тарқатувчи" АК ва унинг тизимидаги корхоналар томонидан жами 14,5 млрд. сўмлик обуна ташкил этилди. Ижтимоий-сиёсий газеталарга обунани расмийлаштириш 22,1 фоизга ошди.

савдо тизимини ташкил этиш мақсадида "Интернет магазин" сайти яратилмоқда. Шу билан бирга, вақтли матбуот нашларни каталоглари киритилган компания веб-сайти янгиланмоқда.

2008 йил 1 январ ҳолатига кўра, маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига уланishi хизматини кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлари сони — 781та, жамoa пунктларининг умумий сони 776тани ташкил қилди.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ  
ВА ДАСТУРИЙ  
МАҲСУЛОТЛАР

Электрон ҳужжат айланиши тизимининг ривожланиши ва амалиётга татбиқ этилиши, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва уларнинг экспортини ривожлантириш бўйича бир қанча йўналишларда ишлар амалга оширилди. Жумладан, Агентлик қошида махсус ваколатли орган тузилди ва у томондан электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш учун иккита марказ рўйхатдан ўтказилди. Электрон рақамли имзо ҳужжатларига қўл қўйиш жараёнларини тартиблаштириш бўйича меъёрий база яратилди, шу жумладан, ушбу ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш, уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, бешта миллий стандарт қабул қилинди, электрон ҳужжат айланиш тизимини ҳокимият ва давлат бошқаруви органларида жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони 2007 йил якунига кўра 212тани ташкил этди, йил давомида ташкил этилган ўқув марказларида 1077та дастурчи тайёрланди. Бугунги кунда 222 нафар дастурчи таҳсил олмоқда.

"Ўзбекистон Республикасида идоралараро электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантириш концепцияси" ишлаб чиқилди ҳамда Компютерлаштириш ва ахборот-ком-

муникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан маъқулланди.

Йил давомида иккита кўргазма ҳамда 30дан ортиқ Халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

## АХБОРОТ-КУТУБХОНА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутуб-

китоб фондларини хатловдан ўтказиш, уларда тегишли таъмирлаш ишларини олиб бориш, электрон ахборот ресурсларини яратиш;

- Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидениени ишга тушириш, сунъий йўлдош орқали қўшимча телевидение каналини ишга тушириш;

- соҳада ёш кадрларни тайёрлаш тизимини таҳлил этиш, ўқиш жараёни билан ишлаб чиқаришнинг узвий боғлаш ва ёшларни ишга олишда уларни қўллаб-қувватлаш.

# режалар



17-18 май кунлари дастурий махсулотларнинг «BEST SOFT - UZBEKISTAN 2007» биринчи миллий кўргазмаси ўтказилди. Унда 50дан ортиқ маҳаллий ва халқаро IT-компаниялар қатнашди.



Республикадаги худуддаги узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли яшаш масканларига 396 тўпلام телевизион узатгич, 374та радиоузатгич, 400 тўпلام йўлдош қабул қилиш тизими ўрнатилди.

хона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ахборот-кутубхона марказлари фондлари қайта рўйхатдан ўтказилган.

2007 йил мобайнида Ахборот-кутубхона марказлари (АКМ) фонди 26 минг адабётга ошиб, уларнинг умумий фонди 4,342 млн. нусхани ташкил этди ва 119 мингга яқин ҳужжатларнинг электрон кўриниши ҳамда 240 мингдан ортиқ китоблар, диссертациялар, авторефератлар ва журналларнинг библиографик ёзувидан иборат йиғма электрон каталог шакллантирилди.

Хисобот даврида жами 7199 нафар раҳбар ва мутахассис ходимлар ўз малакаларини оширишди.

Маърузада 2008 йилда амалга ошириладиган муҳим устувор йўналишлар кўйидагилар эканлиги алоҳида таъкидланди:

- ҳукумат томонидан қабул қилинган соҳани ривожлантиришга йўналтирилган муҳим қонун ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш;
- макроиктисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни давом эттириш;
- 2008 йил бўйича Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга хорж сармояларини жалб этиш борасидаги ишларни олиб бориш;
- хусусий бизнес ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш, сервис инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш;
- қишлоқ жойларини замонавий хизматлар билан тўлиқ қамраб олиш бўйича тегишли чораларни кўриш ва мавжуд тафовутларни камайтириш;
- давлат ва бошқарув органларида АКТни кенг ривожлантириш, электрон ҳукумат бирламчи компонентларини жорий этиш. Электрон рақамли имзо, Электрон хат алмашуви, Электрон тижоратни ривожлантириш;
- ахборот-кутубхона марказлари

Муҳокамаларида "Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Мухитдинов, "Ўздунробита" ХКнинг техник директори А.Шегай, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази бош директори М.Атамұхамедов, "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбидинов, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимовлар ўзлари раҳбарлик қилаётган тизимда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ечими хусусида сўз юритишди.

Ҳайъатда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Й**игилиш сўнгида Агентлик Бош директори А.Арипов "Ўзбектелеком" АК, "Ўздунробита" ХК, "Юнител" МЧЖ, "Рубикон Вайрлз Коммуникейшн" ҚК, "Коском" МЧЖга Ўзбекистон Республикаси мобил алоқа соҳасини ривожлантиришга тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларни киритишдаги фаол иштироки, замонавий инновацион технологияларни қўллаган ҳолда аҳолига алоқанинг энг илғор турларидан фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратганлиги ҳамда мамлакатимиз иқтисодий ислохотларини амалга оширишда ва унинг равнақи йўлида фидокорона фаолият юритаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фахрий ёрлиги"ни, "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида энг яхши рационализаторлик таклифи ва ихтиро" республика танловининг 2007 йилги ғолиблирига диплом ва пул мукофотларини ҳамда "Тошкент ахборот технологиялари университети Васийлик Кенгаши жамғармаси ҳисобидан диссертация муаллифлари ва раҳбарларини рағбатлантириш ҳамда тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида Низом"га мувофиқ ТАТУнинг бир гуруҳ илмий тадқиқотчилари ва уларнинг раҳбарлирига Тошкент ахборот технологиялари университети Васийлик Кенгашининг пул мукофотларини топширди.

## SEMINAR

# Қонун лойиҳаси муҳокамада

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси шу йил 15 феврал куни "Ўзбекистон почта алоқасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари" мавзuida семинар ўтказди. Тадбирни қўмита раиси Х.Дўстмухамедов олиб борди.

Тадбирда, асосан, республикадаги почта алоқаси хизматлари бозорининг ривожланиш даражаси, соҳадаги мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар ҳақида сўз борди, жаҳон почта алоқаси хизматлари бозори ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳадаги қонунчилик асосларини кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича бир қатор долзарб масалалар ўртага ташланди. Семинар иштирокчилари янги таҳрирдаги "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрафолида муҳокама қилиб, уни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар беришди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев "Халқаро почта алоқаси бозоридagi замонавий тенденциялар" ҳақида маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, сўнги йилларда почта соҳасида катта ўзгаришлар жараёни давом этмоқда. Бозорнинг глобаллашуви ва либераллашуви, почта операторлари томонидан савдо соҳасида турли тўсиқларнинг бартараф этилаётгани, технологик ўсишни таъминловчи янги йўлларнинг очилаётгани бу жараённинг айрим жиҳатлари, ҳолос.

Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ)нинг статистик маълумотларига қараганда, ҳар йили жаҳон почта бозорида 450 миллиард хат-хабар жўнатилмоқда ва уларнинг 440 миллиарди ички, 10 миллиард халқаро йўналишда амалга ошмоқда. Почта жўнатмалари улushi эса 5 миллиард ташкил этади.

Юқоридagi жўнатмаларнинг етказилишини таъминлаш мақсадида жаҳон почта маъмуриятлари 650 мингдан зиёд доимий фаолиятдаги почта муассасасини бирлаштирувчи ягона тармоққа бирлашган. Уларда 5,5 миллиондан зиёд киши меҳнат қилади.

Бевосита мамлакатимизга тўхталадиган бўлсак, республикадаги миллий оператор сифатида фаолият юритаётган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ 177 туман ва шаҳар почта алоқаси тармоғи, 2979та алоқа бўлимини бирлаштирган 14 минтақавий филиал, "Халқаро почтамт", "Халқаро тезкор почта", "Ўзбекистон маркаси" ва "Пул жўнатмаларини назорат қилиш маркази" сингари 4 ихтисослаштирилган филиалдан ташкил топган. Почта жўнатмалари 2та темир йўл, 38та авиа, 500тадан кўпроқ автомобил йўналишларида мунтазам равишда ташилмоқда. Ёзма хат-хабарлар, пул ва бошқа жўнатмалар, пенсия ва ижтимоий нафақалар, даврий нашрларни етказиб бериш, турли тўловлар қабул қилиш ва бошқа хизматларни кўрсатиш фаолияти билан жами 14 мингдан ортиқ ходим машғул.

Айни пайтда халқаро почта майдонига икки асосий жараён, яъни либераллашуви ҳамда давлат ва хусусий почта операторлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш долзарб аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Шу нукта назардан ёндашганда, мамлакатимиз почта алоқаси хизматлари бозорининг ривожланиш даражаси ҳамда жаҳон почта алоқаси хизматлари бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари республикамизнинг ушбу соҳадаги қонунчилик асосларини қайта кўриб чиқишни ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Семинарда, шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси аъзоси Ф.Солиев, БМТ Ривожлантириш дастури "Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш" қўшма лойиҳаси миллий координатори З.Убайдуллаев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Семинар ишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), БМТ Ривожлантириш дастури "Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш" лойиҳаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ маъмурияти ва филиаллари раҳбарлари ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашдилар.

Собит АҲАДОВ

## Йил кўрсаткичлари сарҳисоби

Шу йилнинг 19 феврал куни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда "2007 йил якунлари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида" йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, почта хизмати сифатини ошириш, янги жорий этилган хизмат турлари ва почта алоқаси корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилгани айтиб ўтилди. Шу билан бирга, Жамият олдида турган муҳим вазифаларни бажариш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда келгуси режалар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот хизмати

## XALQARO HAYOT

## DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

## НАТО КОСОВОДА

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Косово мустақиллиги бўйича ҳамон аниқ тўхтамга келолмапти.

Россия, Хитой, ЖАР, Вьетнам, Ливия ва Индонезия Сербия тарафини ёқлаган бўлса, Белгия, Хорватия, Германия, Италия, Франция, АҚШ ва Буюк Британия Косово мустақил давлат сифатида тан олиниши лозимлигини билдиришган.

Косово мустақиллигига қарши косоволик юзлаб серблар норозилик намойишига чиққан. Улар булдозерлар ва ҳатто портловчи моддалардан фойдаланганлар. Полиция ва хизматчилар ўз жойларини ташлаб яширишига мажбур бўлган. Шу боис, НАТО кўшинлари серб миллатчиларини бу мамлакатга киритмаслик учун Косово шимолидаги чегарани ёпиб қўйган. АҚШ ҳарбийлари Сербияга олиб борувчи асосий йўлни тўсиб турибди. Эстония ва Франция аскарлари эса Косово ва Черногория чегарасини ўз назоратига олган.

Ўз навбатида, Косово бош вазири Хошим Тачи "бу каби алоҳида моҳаролар" Косово мустақиллиги аҳамиятини пасайтира олмаслигини маълум қилди.

## ҲАРБИЙ ХУНТА ТУГАТИЛАДИМИ?..

Мянма ҳарбий ҳукумати янги конституция лойиҳаси тайёрлаш якунлангани ҳақида маълум қилди.

Хукумат мамлакатда президентлик сайлови 2010 йилда ўтказилишини белгилади. Янги конституция бўйича референдум эса жорий йил май ойида бўлиб ўтади. Бу Мянмада сўнги икки ўн йилликда биринчи бор ҳарбий бошқарувдан фуқаролик бошқарувга ўтишди. Ушбу мамлакатда 1990 йилда бўлиб ўтган сайлов натижаларини ҳарбий хунта тан олмаган эди.

Мянма (аввалги номи Бирма) 2007 йилнинг октябрдан – мамлакатда ҳарбий бошқарувнинг шафқатсиз тартибига қарши оммавий норозилик бошлангандан буён жаҳон ҳамжамияти эътиборида турибди.

## БОШ ВАЗИРЛИКДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА

19 феврал куни Арманистонда мамлакат президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Сайловда жами тўққиз номзод қатнашди. Айни пайтгача Арманистон Марказий сайлов комиссияси томонидан 99 фоиздан ортиқ сайлов бюллетенлари ҳисоблаб бўлинган. Дастлабки натижаларга кўра, сайловнинг биринчи турида мамлакат бош вазири Серж Саркисян галаба қозонган. Ушбу номзодга сайловчиларнинг 52 фоизи овоз берган.

С.Саркисяндан сўнг экс-президент Левон Тер Петросян борапти – у сайловда 21 фоиз овоз олишга эришган. У Саркисянни сайлов натижаларини сохталаштирганликда айбламоқда ва ўз тарафдорларини Ереванда митинглар уюштиришга чақирган.

Учинчи ўринни 17 фоиз овоз билан «Оринац Еркир» муҳолифат партияси етакчиси Артур Багдасарян банд этган. «Дашнакцутюн» Арман инқилоб федерацияси вакили Ваана Ованисянга эса 5,7 фоиз сайловчи овоз берган. Қолган беш номзод бир фоиздан кам овозга эга бўлган.

Интернет материаллари асосида  
Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади



## Тадбиркорлик субъектлари учун муносиб замин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ва 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонлари тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳамда уларни ҳар томонлама ривожлантириш учун муносиб замин яратди.

Мазкур фармонларга мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сонли қарори билан тасдиқланган «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»-ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 январда амалга киритилган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»-ги низоми ҳам тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар режали тартибда кўпи билан йилга бир марта, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта ўтказилиши белгиланган. Шунингдек, нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилиши, янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилишига йўл қўйилмаслиги бел-

гилаб қўйилган.

Шу билан бирга, қайд этилган ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг руҳсатсиз текширилиши ва улар фаолиятига ноқонуний аралашуш туфайли назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан субъектларга етказилган иқтисодий зарарлар мазкур мансабдор шахслардан ундирилиши ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатиб ўтилган.

Қонун ва меъёрий

инспекциясининг расмий веб-сайти ташкил этилди. Унда инспекциянинг вазифа ва функциялари, раҳбариятининг қабул қилган, жорий йилда Давлат алоқа инспекцияси томонидан режали текширишлар ўтказиладиган субъектлар номи, шунингдек, текширишларда қўлланадиган намунавий текшириш саволномалари ҳамда бошқа маълумотлар жойлаштирилди ва доимий равишда янгиланиб турибди.

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказиладиган текширишлар сони йилдан-йилга қисқартирилиб

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги субъектлар, шунингдек, Давлат алоқа инспекциясининг фаолияти ҳақида маълумот олмақчи бўлган бошқа субъектлар учун масофадан ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида глобал маълумотлар узатиш тармоғида Давлат алоқа инспекциясининг расмий веб-сайти ташкил этилди.

ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режали текширишлар сони кескин қисқартирилди, уларнинг фаолиятини режали текшириш учун назорат қилувчи органлар томонидан йиллик текширишлар режа-жадвалига киритиш қатъий тартибга солинди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириш бўйича чиқарилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиш ва уларни амалга татбиқ этиш бўйича назорат қилувчи органлар қаторида Давлат алоқа инспекцияси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Давлат алоқа инспекцияси томонидан йиллик текширишлар режа-жадвали «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»-ги Низоми талабларига мувофиқ шакллантирилди, шунингдек, текширишларни тартибга солиш, такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш, уларни сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказилишини таъминлаш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалга киритилди ҳамда мазкур ҳужжатларга мувофиқ ишлар ташкил этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги субъектлар, шунингдек, Давлат алоқа инспекциясининг фаолияти ҳақида маълумот олмақчи бўлган бошқа субъектлар учун масофадан ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида глобал маълумотлар узатиш тармоғида Давлат алоқа

борилмоқда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори билан тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан ДАИ томонидан 2004 йил бошидан 2007 йил охиригача жами 326та алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш белгиланган бўлиб, жумладан, 2004 йилда жами 177та, 2005 йилда жами 80та, 2006 йилда жами 37та ҳамда 2007 йилда жами 32та хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти режали текширилди.

Юқорида келтирилган статистик кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишни янада қисқартириш, текширишларни тартибга солиш ва такомиллаштириш, шу билан бирга, давлат назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувнинг қатъий чекланиши давлат томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ислохотлардан яна бирдир. Бунда тадбиркорлик субъектлари амалдаги қонунларга риоя этилиши, сифатли, рақобатбардор хизмат ва товарлар бозорини янада ривожлантиришлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини камситмасликлари, шунингдек, халқ фаровонлиги йўлида ўз ҳиссаларини қўшишлари мақсада мувофиқдир.

Исомиддин АШУРОВ,  
Давлат алоқа инспекцияси  
радиоалоқа ва  
телерадиоахборотларни  
тарқатиш бўлими бошлиғи

SHUKRONALIK

# Топган хурматим ҳаққи

Аслини олганда, ҳар бир инсон иззат-хурматни мисқоллаб топади. Уни сақлаш ҳам шу ҳаракатга яраша бўлади. Бунинг уддасидан чиққан кишининг қадри балеандлигини ўз ҳаётимда кўрдим.

Сурхондарё радиотелевизион узатиш марказида хизмат қилган кунларим зиммамдаги вазифани сидқидилдан бажаришга интилдим. Ўзимдан каттага хурмат, кичикка иззат кўрсатдим. Интизом доимо диққат-эътиборимда бўлди. Шундай фазилатларим сабабли жамоамиз раҳбари баъзиларни мендан намуна олишга ундар эди. Бундан мағрурланмадим, аксинча, янада камтар ва фидойи бўлишга ҳаракат қилдим.

Меҳнат пенсиясига кузатилаётган чоғим айтилган: "Алифтина Михайловна,

Сиз ҳар доим биз билан биргасиз" каби дил сўзлари ҳамон жаранглаб туради. Шукрим, собиқ жамоадошларим унутишгани йўқ. Байрамлар сабаб излаб, совға-саломлар улашган ҳолда тadbирларига биз фахрийларни таклиф этишадди. Айниқса, кадрлар бўлими бошлиғи Гулзода Жўраевадан беҳад миннатдорман. Тез-тез телефон қилиб ҳол-аҳвол сўраб туради. Олтмиш ёшга тўлганимни ҳам айнан шу қизим эслатди. Жамоа номидан табриклаб, уни биргаликда нишонлаш ниятида эканликларини маълум қилди.

Ҳалол ва виждонан қилган меҳнатим орқасидан топган бундай хурматим ҳаққи мисоли яшариб кетдим. Кези келганда, кўрсатилаётган эътибор учун собиқ ва қадрдон жамоам — Сурхондарё радиотелевизион узатиш маркази ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Алифтина ГОРБУНОВА,**  
меҳнат фахрийси

# Хизмати элга манзур

Каллихан Саитова (суратда) 2005 йилдан буён 223-АТС 3-абонент бўлимида оператор бўлиб ишлаб келмоқда.

Корхонада дебиторлик қарзларга йўл қўймаслик, белгиланган тариф асосида хизмат кўрсатиш Каллихан ва ҳамкасбларидан катта масъулият талаб этади. Бу ишларни муваффақиятли амалга оширишда оператор Зулфия Пирманова ва Дилноз Таумуратоваларнинг ҳам ёрдамлари катта бўлмоқда.

**Раҳимжон БОЛТАБОЕВ**  
Қорақалпоғистон Республикаси



Ҳаётда шундай одамлар борки, ўзларидаги ҳаракатчанлик, қизикувчанлик, иқтидор туфайли кўп нарсаларга эришадилар. ТАТУ Урганч филиали доценти, камтарин ва талабчан устоз, яқинда муборак 60 ёшини нишонлаган Фирнафас Юсупов ана шундайлар сирасига киради.

Фирнафас Юсупов 1948 йил 2 февралда Хоразм вилоятининг Кўшкўпир туманидаги Ўртаёп кишлоғида хизматчи оиласида таваллуд толган. Дастлаб кишлоғидаги саккиз йиллик мактабда, кейинчалик Хива шаҳридаги мактаб-интернатда таълим олди. Мактаб-интернатда ўқиб юрган пайтларида устози, математика ва физика фанлари ўқитувчиси Тўлқин Отабоевнинг таъсири остида ушбу фанларни чуқур ўрганди.

Математика ва физика фанига бўлган қизиқишлар Ф.Юсуповни Тошкент политехника институтининг "Инженерлик физикаси" факултетига етаклаб келди ва 1970 йилда факултетнинг "Саноат электроникаси" йўналишида таҳсилни тугатиб, электрон техникаси муҳандиси мутахассислигини олди.

1970-1972 йиллар йўлланма билан КАСКАД илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент филиалида ЭХМларни ишга тушириш бўйича муҳандис-созловчи ва кейинчалик Автоматлаштирилган бошқариш тизимларини лойиҳалаш гуруҳида дастурчи вазифаларида ишлади. 1971 йили Свердловск (Екатеринбург) шаҳридаги Урал политехника институтида малака оширди.

1972 йил август ойидан бошлаб Тошкент политехника институтининг янги очилган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари факултетига кичик ЭХМлар лабораторияси мудири, ўқув ҳисоблаш зали бошлиғи, институт ҳисоблаш марказининг бошлиғи вазифаларида ишлади. Ушбу институт Ҳисоблаш марказининг оёққа туришида, факултетларда ҳисоблаш маркази-



# Шундай одамлар бор

нинг филиаллари ҳисобланган ўқув заллари очилишида ибратли ишлар қилди.

1980-1993 йиллар мазкур факултетнинг "Техникавий кибернетика" кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб, талабаларга алгоритмлашнинг сир-асрорларидан, дастурлашнинг самарали услубларидан сабоқ берди.

1985-1993 йиллар педагогик фаолияти билан бир қаторда, институтда ташкил қилинган профессор-ўқитувчилар ҳамда аспирант, илмий изланувчиларнинг компьютер саводхонлиги бўйича малакасини ошириш курсига раҳбарлик қилди.

Фирнафас ака ТАТУ Урганч филиали ташкил қилинганидан буён филиалнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедрасида ишлаб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 2006 йилда ТАТУ Урганч филиали 3-босқич талабаси Отабек Хўжаев Давлат стипендианти бўлди, 3-босқич талабаси Баҳром Матқурбонов эса 2007 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг танловида ғолиб чиқди. Шунингдек, 3-босқич талабаси Дилшод Қурязов "Информатика ва ахборот хавфсизлиги" фани бўйича (2006-2007 ўқув йили) олимпиаданинг

республика босқичида 3-ўринни, "Компютер графикаси" фани бўйича эса фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Фирнафас Юсупов сермахсул олим, 30га яқин ўқув-услубий қўлланма, 120дан ортик илмий мақола ва тезислар муаллифидир. Домла 12та нуфузли халқаро анжуманда илмий маърузалар қилган. У пахта тозалаш заводлари ва ун комбинатлари мисолида интеграллашган автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг моделлари ва алгоритмларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ўтган давр давомида Фирнафас Юсуповнинг илмий-методик консултантлик раҳбарлигида икки нафар фан номзоди етишиб чиқди, ҳозирги кунда олимнинг икки нафар шоғирди илмий ишини тугаллаш арафасида. Шу билан бир қаторда, Ф.Юсупов «Дискрет-узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва оптимал бошқариш» муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда ва бунга ёш мутахассисларни ҳам жалб қилган.

**Раҳима ИНОЯТОВА,**  
ТАТУ Урганч филиали  
директори ўринбосари

# КАМАРБАСТА

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалининг Равон почта алоқаси тармоғида ўз касбига меҳр қўйиб, халқимиз хизматиغا астойдил камарбаста бўлаётган почта ходимлари кўпчиликини ташкил этади.

Абдуфатто Нишонов ана шундай эл дуосини олаётган инсонлардан. У киши ҳақида тармоқ бошлиғи Зоҳирбек Юсуповдан илиқ, самимий сўзларни эшитиб хурсанд бўлдик. Оддий, камтарин инсон Абдуфатто Нишонов салкам 16 йилдан буён Сўх маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Чумоқча алоқа бўлимига мудирлик қилиб, тиришқоқлиги, хушмуомалалиги билан Обишир, Зангат, Чашма, Мулгон, Пидиргон, Демурсад, Чумоқча маҳаллалари аҳолиси олқишини олмоқда.

Хат ташувчилардан Барот Орифов, Додоқурбон Шоқаюмов, Тўпанисо Йўлдошевлар зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажариб келишаётир. Даврий матбуот нашрлари, хат-хабар, телеграммалар вақтида эгаларига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, 1780 нафардан зиёд пенсия ва нафақа олувчилар ҳам уларнинг хизматида намнун.

**Асқарбек АНБАРЖОНОВ**  
Фарғона вилояти



Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади

Республиканском информационно-библиотечном центре (РИБЦ) прошло первое заседание научно-методического совета. В состав совета вошли представители различных ведомств, имеющих в своей системе информационно-ресурсные центры и библиотеки.

Это крупные специалисты в области информационно-библиотечного дела, информационных технологий, специалисты по подготовке библиотечных кадров, а также руководители крупных ИБЦ республики.

Научно-методический совет создан по инициативе РИБЦ. Основная цель совета — взаимодействие и объединение усилий специалистов различных ведомств в плане реализации задач определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-381 от 20 июня 2006 года «Об организации информационно-библиотечного

## Первое заседание совета

обеспечения населения республики» и поставленных задач перед информационно-библиотечными и информационно-ресурсными центрами. Кроме того, совет будет выполнять научную и методическую поддержку по работам, определенным в годовом плане работ совета.

На первом заседании совета рассматривался ряд таких вопросов, как новые технологии в информационно-библиотечном процессе, о нормативных документах, регламентирующих информационно-библиотечную деятельность, о проведении 5-й международной конференции «Информационные ресурсы в науке, образовании и бизнесе» в октябре нынешнего года в г. Фергане, о проектах законодательных документов в области информационно-библиотечного дела, о создании Узбекской информационно-библиотечной ассоциации, о плане работы научно-методического совета на 2008 год.

На сегодняшний день 23 стандарта прошли регистрацию в Узгосстандарте и на выходе еще 13 стандартов.

На заседании совета были утверждены две рабочие группы — первая группа по рассмотрению предложений и замечаний по проектам законов «Об информационно-библиотечной деятельности» и «Об обязательном экземпляре национальной печати». Вторая рабочая группа — по обработке и внесению изменений в проект Устава Узбекской информационно-библиотечной ассоциации (УзИБА).

Указанные законодательные документы являются основополагающими в информационно-библиотечном деле. Рабочей группе было поручено рассмотреть и переработать проекты законов в соответствии с реформами происходящими в области информационно-библиотечной сферы республики.

Членами совета было высказано

пожелание и предложение о создании профессиональной ассоциации, которая объединит специалистов информационно-библиотечных учреждений различных ведомств республики и выведет их в лице ассоциацию на международную арену.


Советом поручено сформировать оргкомитет по подготовке 5-й международной конференции «Информационные ресурсы в науке, образовании и бизнесе» в октябре нынешнего года в г. Фергане. При обсуждении тематики конференции членами совета было внесено несколько предложений по дополнительным темам, таких как подготовка и повышение квалификации кадров, архивное дело и т.д.

При обсуждении плана работы научно-методического совета на 2008 год, члены совета внесли некоторые дополнения и уточнения.

Муборак МИРКАМолова

## Новости в сфере ИКТ

### SONY ИНВЕСТИРУЕТ OLED-ПАНЕЛЕЙ



Корпорация Sony намерена инвестировать более 200 миллионов долларов США на разработку технологии производства OLED-панелей среднего и большого размера, сообщает Reuters.

Панели OLED по сравнению с жидкокристаллическими дисплеями обладают более низким энергопотреблением (на 40% меньше, по сравнению с ЖК-панелями), меньшими толщиной (около 3 мм) и временем отклика. Кроме того, технология OLED позволяет создавать экраны более высокого разрешения и контрастности.

Свой первый OLED-телевизор Sony представила осенью прошлого года. Модель XEL-1 с диагональю одиннадцать дюймов имеет разрешение 960 x 540 пикселей и обладает контрастностью 1000000:1. Яркость составляет 600 кд/м<sup>2</sup>, энергопотребление равно 45 Вт.

### АКЦИОНЕРЫ YAHOO НЕ ХОТЯТ, ЧТОБЫ MICROSOFT ПЕРЕПЛАЧИВАЛА



Американская компания RiskMetrics Group, предлагающая услуги по управлению финансовыми рисками, выяснила, что почти 90% основных акционеров Yahoo также владеют ценными бумагами Microsoft. Причем многие

из них инвестировали в программного гиганта гораздо большие суммы, чем в Yahoo, сообщает агентство Reuters. Именно поэтому, как отмечают аналитики, акционеры не хотят, чтобы Microsoft переплатила за приобретение Yahoo.

В начале февраля Microsoft предложила за каждую акцию Yahoo 31 доллар, что на 60% выше рыночной стоимости ценных бумаг этой интернет-компании. Общая сумма сделки могла достигнуть 45 миллиардов долларов. Против слияния двух гигантов сразу же выступила компания Google, заявив, что сделка приведет к ухудшению конкурентной обстановки на интернет-рынке.

На прошлой неделе в интернете появилась информация о том, что Yahoo обсуждает возможность объединения с корпорацией News Руперта Мердока. Речь идет о том, что корпорация News получит двадцати-процентную долю в Yahoo. Теоретически, это должно будет помочь Yahoo избежать поглощения со стороны Microsoft.



### ОТКАЗ ОТ ПОДДЕРЖКИ HD DVD

Японская корпорация Toshiba официально сообщила об отказе от поддержки формата оптических дисков HD DVD.

Как отмечается в пресс-релизе Toshiba, корпорация, тщательно оценив возможные последствия конкурентной борьбы с форматом Blu-ray, пришла к выводу, что для компании будет лучше просто прекратить все работы, связанные с HD DVD.

Toshiba уже начала сокращать поставки плееров и рекордеров HD DVD и рассчитывает полностью их прекратить к концу марта. Решение Toshiba также распространяется и на компьютерные приводы. Вместе с тем, корпорация подчеркивает, что будет предоставлять владельцам устройств HD DVD полную техническую поддержку и выполнять гарантийное обслуживание.



### НОВОЕ ПО УПРОСТИТ ПЕРЕНОС МЕДИАФАЙЛОВ

Компания DoubleTwist, основанная норвежским хакером Йоном Йохансеном (он же DVD-Йон), выпустила новый программный инструмент, упрощающий перенос мультимедийных файлов различных форматов между устройствами различных типов и от различных производителей.

Йон Йохансен получил мировую известность около восьми лет назад, когда выложил в открытый доступ в интернете программу DeCSS для взлома защиты DVD. В ответ Ассоциация американской киноиндустрии (МРАА) обвинила Йона в нарушении авторских прав, и молодой человек предстал перед судом, хотя впоследствии был полностью оправдан. Йон Йохансен также является автором небольшой программы QTFairUse, предназначенной для обхода защиты от копирования файлов магазина iTunes Store.

Новая разработка DoubleTwist носит название DoubleTwist Desktop. В компании объясняют, что, например, когда пользователь получает электронное письмо, он может без проблем прочитать его на своем коммуникаторе, мобильнике или компьютере. С медиафайлами дела обстоят иначе. Зачастую пользователи вынуждены тратить много времени на перекодировку файлов в нужный формат и их перенос с одного устройства на другое. Программа DoubleTwist Desktop как раз и должна решить эти проблемы.

По заявлениям компании DoubleTwist, их разработка имеет интуитивно понятный интерфейс и предельно проста в использовании. При переносе файлов между различными устройствами DoubleTwist самостоятельно осуществляет перекодирование данных в нужный формат, избавляя пользователя от этой рутинной работы. Кроме того, DoubleTwist позволяет отправлять файлы на устройства знакомых и родственников через Сеть. А сопутствующее веб-приложение Twist me можно применять для обмена медиаконтентом через профили в социальных сетях.



### АФОРИЗМ

Едою поделись, покуда не пропала,  
А платье подари, пока не обветшало.

Алишер НАВОЙ

# Хабарлар +tv



## ОТБОРТОТОН

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
- 7.00 «САРОЙ ЖАВОХИРИ». Т/с.
- 7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ики дари оралғида».
- 7.55 «Отин мерос».
- 8.00-8.45 Тахлинома.
- 8.45 «Мен бир ривоят».
- 8.50 «ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОХ».
- Телеспектакль.
- «Болалар сайераси».
- 9.20 «Болалар дунёси».
- 9.40 «Ака-уча Грими артаклари». М/с.
- 10.10 «Одним зранием...».
- 10.30 «Шаксий фикр».
- 11.00 «Айборт».
- 11.10 «Табити оғушда».
- 11.15 «Амон бадамда...».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон» Кундаги дастур.
- 13.00 «ТУРМУШ ЧОРАХАЛАРИДА».
- Т/с.
- 13.50 «Отин мерос».
- 14.00 «Айборт».
- 14.20 «АЛЛА» Спектакль.
- 15.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ики дари оралғида».
- 16.10 «Ватанпарвар».
- 17.00 «Айборт».
- 17.10 «Отин мерос».
- 17.20 «Хайт ва крүн».
- «Болалар сайераси».
- 17.40 «Эртаслар» - вешиника етаклар».
- 18.00 «Санаем адвокатлар».
- 18.05 «ТУРМУШ ЧОРАХАЛАРИДА» Т/с.
- 18.50 «Бир кун».
- 19.15 «Онаглар оғушда».
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 «Айборт» (рус тилида)
- 20.05 «ТВ шокдор».
- 20.10 «АЧЧИК ЕЛҒОН». Т/с (Туркия)
- 20.50 «Мен бир ривоят».
- 21.00 «Айборт».
- 21.35 Эриш назулу.
- 21.55 «СУНИТ КИРОЛИЧА». Т/с (Корея)
- 23.00 «Кўнтинсан, муҳаббат» (SMS. Овоз берил)
- 23.15 «РАМАЯНА». Т/с.
- 23.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Риштон муҳаббати».
- 00.15-00.25 Туғи наволар.
- «Ўзбекистан».
- 00.25 Кўрсатувлар дастури.
- 00.30 «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Теле-спектакль.
- 00.55 «Отин мерос».
- 01.00 «Айборт» (рус)
- 01.35 «Алла». Спектакль.
- 03.05 «Тарангум».
- 03.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сўзна на ваҳини буюмлар».
- 04.00 «Айборт».
- 04.30 Экин альбом.
- 04.35 «Отин мерос».
- 04.45 «Мен бир ривоят».
- 04.50 «Турмуш чоррахаларида». Т/с.
- 05.30-05.55 Тонги наволар.



15.50 Дастурлар о'зlashtirish.  
16.00 «Дар».

## ДУШАНБА — 25 ФЕВРАЛ

- 16.10 «Денгиз кумдон» Т/с.
- 17.20 «Чемпион».
- 17.40 «Матонат».
- 17.55 «Калахорл, бахор!»
- 18.00 «SMS-музыка».
- 18.15 «Кайтар дунё». Т/с.
- 18.55 «Йулым».
- 19.00 «Дар».
- 19.30 «Алия» Т/с.
- 20.10 «Бахор калити».
- 20.15 «ЎзЕХ хабарларин».
- 20.20 «ТВ-банк».
- 20.30 «ЎзЕХ хабарларин».
- 20.40 «Ешлар навоин».
- 21.00 «Бахор соннин».
- 21.05 «Yoshlar» анкетаси.
- 21.10 «Жўмон». Т/с.
- 21.55 «Йулым».
- 22.00 «Дар».
- 22.30 «Мунон мулгал».
- 22.45 «Хайт-маюлт». Т/с.
- 23.30 «Юрт тивлиги».

## СЕНДИМЕНТ

- 17.50 Кўрсатувлар тарғибин.
- 17.55 Мулфилм: «Яшил вади сарн» 3-қисм.
- 18.10 21.50 «Телекўрар» - маркет».
- 18.25 «Биласизми?».
- 18.30 «Пойтахт».
- 18.50 «Камилат» Т/с.
- 19.20 «ТВ крист».
- 19.25 «Музыка SMS».
- 19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
- 20.00 «Пойтахт» /рус/.
- 20.15 «ТВ крист» /рус/.
- 20.20 «Милларос» Т/с. /рус/.
- 20.50 «Иттерво» /рус/.
- 21.00 «Козибат».
- 21.30 «Пойтахт».
- 21.45 «Йиларим».
- 22.10 «O'zbektelefilm» намойиш этади: «Бог арок».
- 22.30 «Пойтахт» /рус/.
- 22.45 «Кино SMS со звездами».
- 22.50-00.20 Кино: «Кости и собака».

## СПОРТ

- 7.00 «Бодоро утюр».
- 8.00 «Талқин».
- 8.30 «Детективин».
- 9.00 «Версия».
- 9.30 Мулфиллим.
- 9.40 «Велосипедный нинзя. Искусство бай-финга». Док.филм.
- 10.30 Серил «Татьянин день».
- 11.15 Орт атлетика. Ўзбекистон биринчилиги.
- 11.45 - 12.25 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
- 18.00 «Полонский».
- 18.20 «Тет-а-тет».
- 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
- 18.50 «Музыкаий тайм».
- 19.10 «Спортинга малаикалари».
- 19.30 «Футбол шарин».
- 19.50 «Спортлото».
- 20.00 Волейбол. ЛЧ.
- 20.40 «Богойин». Серил.

- 21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
- 21.50 «Доярка из Халатетовки». Х/ф.
- 22.35 ЕВРОФУТБОЛ. Испания чемпи-онли. «Реал» - «Хетафе».
- 00.10 «Туенгис оудат бўлини».

## БИРИНЧИ

- 6.00 10.00 12.00 Новости
- 6.10 Мультипликационный проект «Гора самоцветов»
- 6.35 Фильм «Гарри и Хендерсоны»
- 8.30 «Просто лень»
- 9.15 «Ивеевы и умеевы»
- 10.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
- 10.30 «Года все дома»
- 11.25 «Фламинго»
- 12.10 «Народная марка» в Кремле
- 13.35 Фильм «Гаррилер»
- 14.55 Концерт Михаила Задорнова
- 16.25 Премьера. «Борис Хмельницкий. Страна в сердце Робин Гуда»
- 17.25 «Малая дитина»
- 18.15 «Татьянин день». Объяснение в любви»
- 19.50 «И все-таки я люблю...» М/ф.
- 21.00 Вокроное «Время».
- 22.05 «И все-таки я люблю...» М/ф.
- 23.10 Комедия «Афера»
- 1.30 Х/ф. «Обет молчания»

## РОССИЯ

- 05.50 Х/ф «Одиночное плавание».
- 07.30 «Сельский час».
- 08.00 11.00 14.00 15.15 20.00 «Вести».
- 08.10 14.20 «Местное время. Вести - Москва».
- 08.20 «Диалоги о животных».
- 08.55 «Воя Россия».
- 09.10 «Смехопанорама».
- 10.05 «Сам себе режиссер».
- 11.10 «Местное время. Вести - Моск-ва». Недели в городе.
- 11.50 «Города».
- 12.20 «Сто к одному».
- 13.15 «Парламентский час».
- 14.30 «Дитиль 166».
- 15.45 «Местный детектив».
- 16.15 «Аншлаг и Компания».
- 21.10 Х/ф «Охота на пиряно».
- 21.05 Х/ф «Охота на пиряно».
- 22.55 Х/ф «Водопад ангела».
- 01.00 Х/ф «Переправа Кассандры».

## НТВ

- 05.30 Х/ф «Наполеон».
- 06.45 М/ф «Приключения Буратино».
- 08.00 10.00 13.00 19.00 «Сегодня».
- 08.20 М/ф «Винни-Пух», «Винни-Пух идет в гости», «Винни-Пух и день за-был».
- 09.00 «Следствие вели...»
- 10.20 «Квартирный вопрос».
- 11.25 Х/ф «Звездная ганка».
- 13.25 Х/ф «Присутствуй к ликвидации».
- 15.53 Т/с «Прыжки разбитых фарфаяр».
- 16.40 Боевик «Антиснайпер».
- 21.45 Боевик «Антиснайпер 2».
- 23.40 Детектив «Сказание равнин».
- 01.40 «Quattroto».

13.10 Триллер «Ванильное небо»  
16.00 X/ф «Жестокие игры»  
18.00 Танцы без правил.  
19.00 Такси в Питере.  
19.30 «Женская лига: Парни, деньги и любовь»  
20.00 «Битва экстрасенсов»  
22.00 «Комеди Клуб»  
23.00 «Женская лига: Парни, деньги и любовь»  
23.30 «Смех без правил»  
00.30 «Секс с А. Чеховой»  
01.30 Наши песни.

## TV-Марказ

## Душанба

07.00 13.00 14.30 17.30 20.30  
Ўзбек наволари  
08.00 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 79-серия  
08.30 «Садмой дeнь»  
09.00 «Сай ҳолок» 10-серия  
10.05 14.00 17.00 19.30  
Мирозе хити  
10.30 Концерт  
12.30 «Премьера» (рус)  
13.30 «Премьера» (узб)  
15.30 «Баби хитс»  
16.00 Мультифилм  
18.00 «Премьера» (рус)  
18.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 79-серия  
19.00 «Премьера» (узб)  
21.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 79-серия  
22.00 «КАК ОТДЕЛАТЬСЯ ОТ  
ПАРНЯ ЗА 10 ДНЕЙ» X/ф.  
00.00 Миксер

## Сешанба

07.00 07.35 11.00 12.05 14.00  
18.05 20.00 Ўзбек наволари  
07.30 Марказ NEWS (узб)  
08.00 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 79-серия  
08.30 Марказ NEWS (рус)  
08.35 13.05 17.30 19.05  
Мирозе хити  
09.00 «Как отделаться от парня  
за 10 дней» X/ф.  
12.00 Марказ NEWS (узб)  
13.00 Марказ NEWS (рус)

## Душанба

06.50 Хоккей. ЧР.  
09.00 11.00 15.15 19.15 23.40 03.40  
«Вeсти-спорт»  
09.15 Ганбол. ЛН.  
11.10 «Вeсти-спорт. Местное время»  
11.15 Дневник 1-звоний Спартакиады  
молодежи Россия  
11.20 Бобслей. ЧМ. Четириг.  
11.55 Хоккей. ЧР.  
14.10 ЧМ по покету на лыжах.  
15.25 Дневник 1-звоний Спартакиады  
молодежи Россия.  
15.35 «Сборная Россия». Т. Лебедева.  
16.05 «Футбол Россия».  
16.55 04.25 Хоккей. ЧР.  
19.25 Хоккей. ЧР.  
21.30 Бокс. Матчевая встреча. Россия -  
США.  
00.05 «Футбол Россия».  
00.50 «Неделя спорта».  
01.50 Баттлтон. ЧЕ. Эстафета. Мучени.  
03.50 «Легатис спорт». «Королева  
спорта» в мeжe.

## Сешанба

06.35 Хоккей. ЧР.  
08.45 11.00 14.55 18.40 23.15 02.25  
«Вeсти-спорт»  
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»  
08.15 М/ф «В некоротком шарфе...»  
«Воспитание палочкой»  
10.15 «Рождественские пожелания»  
10.40 «Мастер спорта»  
11.10 15.05 Дневник 1-звоний  
Спартакиады молодежи Россия.  
11.15 «Футбол Россия»  
12.05 17.05 «Неделя спорта»  
13.05 Бокс. Матчевая встреча. Россия -  
США.  
15.10 Регби. «Кубок шести наций»  
Италия - Шотландия.  
18.05 24.10 «Скоростной участок»  
18.35 «Рыбалка с Радзивиловым»  
20.35 Хоккей. ЧР.  
00.25 Футбол. ЧМ. Италия. «Ювентус» -  
«Лацио»  
02.35 Баттлтон. ЧЕ. Эстафета. Женщины. 1/  
04.45 Баскетбол. Евролига. Женщины. 1/

15.30 «Баби хитс»  
16.00 Мультифилм  
17.00 «Премьера» (узб)  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 80-серия  
19.00 Марказ NEWS (рус)  
21.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 80-серия  
22.00 «ИДЕАЛЬНЫЙ НЕЗНАКО-  
МЕЦ» X/ф.  
00.05 Миксер

## Чоршанба

07.00 07.35 11.05 12.05 14.30  
17.30 18.05 20.00 Ўзбек наволари  
07.30 Марказ NEWS (узб)  
08.00 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 80-серия  
08.30 Марказ NEWS (рус)  
08.35 13.05 14.00 17.00 19.05  
Мирозе хити  
09.00 «Идеальный незнакомец» X/ф.  
12.00 Марказ NEWS (узб)  
13.00 Марказ NEWS (рус)  
13.30 «Премьера» (рус)  
15.30 «Баби хитс»  
16.00 Мультифилм  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 81-серия  
19.00 Марказ NEWS (рус)  
21.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 81-серия  
22.00 «ИГРА» X/ф.  
00.20 Миксер

4-финал. «Спартак» (Мос. обл.) -  
«Динамо» (Мос.).  
05.20 «Сборная Россия». Т. Лебедева.

## Чоршанба

06.05 Хоккей. ЧР.  
08.00 «Легатис спорт». «Королева  
спорта» в мeжe.  
08.45 11.00 15.30 18.30 23.15 02.35  
«Вeсти-спорт»  
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»  
09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного  
города»  
09.25 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»  
10.15 Т/с «Своя команда»  
10.45 «Мастер спорта»  
11.15 15.40 Дневник 1-звоний  
Спартакиады молодежи Россия.  
11.20 «Скоростной участок»  
12.05 Баскетбол. Евролига.  
13.55 23.35 Баттлтон. КМ. Спринг.  
Мучени.  
15.50 Регби. «Кубок шести наций»  
Франция - Англия.  
17.45 «Рыбалка с Радзивиловым»  
18.00 «Гуль Дракона»  
18.45 Футбол. ЧМ. Италия. «Ювентус» -  
«Лацио»  
20.50 «Легатис спорт». «Королева  
спорта» в мeжe.  
21.25 04.50 Волейбол. Мучени.  
«Милан» (Италия) - «ЦСКА» (Мос.).  
00.35 Баскетбол. Евролига.  
02.50 Футбол. ЧМ. Италия. «Интер» -  
«Лацио»

## Пайшанба

06.55 Баттлтон. КМ. Спринг. Мучени.  
08.45 11.00 15.35 18.40 23.20 02.05  
«Вeсти-спорт»  
Профилактика.  
08.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»  
09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного  
города»  
09.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»  
10.15 Т/с «Своя команда»  
10.45 «Мастер спорта»  
11.10 15.45 Дневник 1-звоний  
Спартакиады молодежи Россия.  
11.20 «Гуль Дракона»  
12.05 Футбол. Чемпионат Италии.  
«Интер» - «Лацио»

## Пайшанба

07.00 07.35 08.35 13.05 14.30  
17.00 18.00 20.00 Ўзбек наволари  
07.30 Марказ NEWS (узб)  
08.00 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 81-серия  
08.30 Марказ NEWS (рус)  
09.00 «ИГРА» X/ф.  
11.20 12.05 14. 00 19.05 Мирозе  
хити  
11.30 «Премьера» (узб)  
12.00 Марказ NEWS (узб)  
13.00 Марказ NEWS (рус)  
15.30 «Баби хитс»  
16.00 Мультифилм  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 82-серия  
19.00 Марказ NEWS (рус)  
21.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 82-серия  
22.00 «ЗАЛОЖНИК» X/ф.  
00.10 Миксер

## Жума

07.00 07.35 11.10 12.05 14.00  
17.30 18.05 20.00 Ўзбек наволари  
07.30 Марказ NEWS (узб)  
08.00 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 82-серия  
08.30 Марказ NEWS (рус)  
08.35 13.05 19.05 Мирозе хити  
09.00 «Заложник» X/ф.  
12.00 Марказ NEWS (узб)  
13.00 Марказ NEWS (рус)  
15.30 «Баби хитс»  
16.00 Мультифилм

13.55 23.45 Баттлтон. КМ. Спринг.  
Женщины.  
15.55 Автопорт.  
17.00 Проф. бокс.  
18.05 01.30 «Точка отрыва»  
18.25 04.00 Хоккей. ЧР.  
21.15 Хоккей. ЧР. «Чеховские медведи»  
(Рос.) - «Киль» (Герм.).  
00.05 «Легатис спорт». «Королева  
спорта» в мeжe.

## Жума

06.45 Баскетбол. Евролига. Мучени.  
«Милан» (Италия) - ЦСКА (Рос.).  
08.45 11.00 15.40 18.40 23.15 03.05  
«Вeсти-спорт»  
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»  
09.15 М/ф «Умка ищет друга»  
09.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»  
10.15 Т/с «Своя команда»  
10.45 «Мастер спорта»  
11.15 15.50 Дневник 1-звоний  
Спартакиады молодежи Россия.  
11.20 «Точка отрыва»  
12.10 06.15 Автопорт. Международная  
серия «А1»  
13.15 Баттлтон. КМ. Спринг. Мучени.  
14.55 15.50 Баттлтон. КМ. Гонка  
преследования. Мучени.  
15.55 Регби. «Кубок шести наций»  
17.50 «Рыбалка с Радзивиловым»  
18.00 Автопорт. ЧМ по ралли.  
18.50 «Первому тренеру посвящается...»  
Церемония награждения датских  
тренеров.  
20.45 Бокс. Россия - США.  
23.35 «Вeсти-спорт. Местное время»  
23.45 Т/с. Дмитрий Кириллов (Рос.) -  
Сесилио Сантос (Мексика).  
03.20 ЧМ по покету на лыжах.

## Шанба

07.15 Ганбол. ЛН. Мучени.  
«Чеховские медведи» (Рос.) - «Киль»  
(Германия)  
09.00 11.00 15.40 19.35 23.10 02.30  
«Вeсти-спорт»  
09.10 «Первому тренеру посвящается...»  
Церемония награждения датских

17.00 «Премьера» (рус)  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 83-серия  
19.00 Марказ NEWS (рус)  
21.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 83-серия  
22.00 «МЕКСИКАНЕЦ» X/ф.  
00.20 Миксер

## Шанба

07.00 14.00 18.30 19.30 21.00  
Ўзбек наволари  
08.30 15.30 20.30 Мирозе хити  
09.30 «Баби хитс»  
10.00 Мультифилм  
12.00 Концерт  
16.30 «КУДРЯШКА СЫО» X/ф.  
19.00 «Шанба охидамда»  
20.00 «Премьера» (рус)  
22.00 «ГЛУБОКОЕ СИНЕЕ МОРЕ»  
23.50 Миксер

## Якшанба

07.00 13.00 19.30 20.30 Ўзбек  
наволари  
08.00 12.00 Мирозе хити  
09.00 «Шанба охидамда»  
09.30 «Баби хитс»  
10.00 Мультифилм  
14.30 Серилал «Жасгига ўқашин  
йўк» 79-83 сериаллар  
17.00 Концерт  
19.00 «Садмой дeнь»  
20.00 «Премьера» (узб)  
22.00 «ТРАНСФОРМЕРЫ» X/ф.  
00.35 Миксер


## RTR SPORT

11.15 15.50 Дневник 1-звоний  
Спартакиады молодежи Россия.  
11.20 «Легатис спорт»  
11.20 Проф. бокс.  
13.00 Хоккей. Турнир «Золотая шапка»  
Финд.  
14.00 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.  
14.55 24.40 Баттлтон.  
15.25 Регби. Кубок Европейских Наций.  
17.40 Волейбол. Мучени.  
18.55 19.45 Хоккей.  
19.05 21.00 Баскетбол. Мучени.  
00.25 Футбол. Чемпионат Италии.  
«Милан» - «Лацио»  
00.35 Гимнастика. Кубок чемпионов.  
06.05 Автопорт. ЧМ по ралли. «Ралли  
Мексика». Пролог.

## Якшанба

06.55 Футбол. Чемпионат Италии.  
«Милан» - «Лацио»  
09.01 11.00 14.30 18.40 22.50 02.05  
«Вeсти-спорт»  
09.15 Ганбол. ЛН. Женщины. «Спартеко»  
(Дания) - «Зенит» (Россия)  
11.10 23.10 «Вeсти-спорт. Местное  
время»  
11.15 «Страна спортивная»  
11.45 14.45 Дневник 1-звоний  
Спартакиады молодежи Россия.  
12.00 Хоккей. Турнир на призы клуба  
«Золотая шапка» - Финд.  
14.55 23.15 Баттлтон. КМ. Смешанная  
эстафета.  
16.35 06.15 «Сборная Россия»  
Дзюдоист. Тоддв.  
17.10 Гимнастика. Кубок чемпионов.  
18.55 02.20 Футбол. Чемпионат Италии.  
«Ювентус» - «Фиорентина»  
20.55 Гимнастика. Гран-Пви.  
01.00 Т/с. Кевина Бокс (США) против  
Рильды Уста (США).  
04.20 Волейбол. Мучени. «Локомотив»  
(Новосибирск) - «Газпром-Югра»  
(Сургутский район).

Ахборот хавфсизлиги масаласи вақт ўтгани сайин долзарбламда. Тармоқ орқали ўзаро маълумотлар алмашиш ҳажмининг кўпайиши билан уларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурати ҳам муҳим аҳамият касб этиб боради. Оддий электрон почтадан маълумот жўнатаётганингизда учинчи бир шахс уни "ушлаб" олиши ҳеч гап эмас. Агар бу шунчаки оддий хабар бўлса, сизга зарари тегмаган бўлиши мумкин. Лекин бугунги кунда фақат оддий хат-хабарлар жўнатиш учунгина интернет тармоғидан фойдаланаётганимиз йўқ.



лашни шакллантиришнинг ишлаб чиқилган воситалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, E-XAT ҳимояланган электрон почта тизими ҳамда E-Hujjat электрон ҳужжат айланиши тизимининг тақдироти ҳам ўтказилди. ФТМТМнинг буюртмасига кўра «InSoftServis» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган ушбу тизимлар ҳозирда амалда қўллаш учун жорий этилмоқда. Хусусан, E-XAT тизими хизматларидан «UzNet» маълумотлар узатиш тармоғи орқали фойдаланувчилар сони ҳозирда 96 нафарни ташкил этади. E-Hujjat электрон ҳужжат айланиши тизимини эса айрим корхоналарда жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

E-XAT тизими фойдаланиш жиҳатидан оддий электрон почтадан деярли фарқ қилмайди, фақат унда юбориладиган ва қабул қилинадиган хатлар ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаси ҳамда электрон рақамли имзо билан таъминланган. Шунинг учун ушбу тизим орқали жўнатиладиган хат "йўлда" кимдир томонидан "ушлаб" олинса ҳам уни очиб ўқишнинг имкони бўлмайди.

Тақдимотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди ва мазкур тизимларни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари қизгин муҳокама қилинди.

Хуллас, мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва бу жараёнда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам бир йўла ҳал этиб бориляпти.

Лутфилло ТУРСУНОВ

## Ахборотни ҳимоялашда ЯНГИ ТИЗИМЛАР

Узатиладиган ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва электрон ҳужжат далил бўла оладиган кучга эга бўлиши учун унга мақом бериш лозим. Бу масалалар электрон ҳужжат айланишини ҳуқуқий тартибга солиш орқали ҳал этилади. Мамлакатимизда қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши электрон ҳужжатни самарали қўллаш учун ҳуқуқий асос яратди. Жумладан, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун қабул қилингани бу борадаги муҳим қадам ҳисобланади. Ушбу қонунга мувофиқ электрон рақамли имзо шахсий имзога тенглаштирилди ва у билан бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлди. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун эса электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий кучга эга эканини белгилаб берди.

Ҳозирги пайтда электрон ҳужжат айланиши бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлиб ўтган "Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланишини жорий этиш ва қўллаш истиқболлари" мавзусидаги семинарда шу ҳақда гап борди.

Семинар Агентлик ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан ташкил этилди. Унда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўлимлари, акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлар вакиллари бугунги кунда электрон рақамли имзо, криптографик шифрлаш ва электрон ҳужжат айланиши соҳасида қилинаётган ишлар ва ечимлар билан таништирилди.


Семинарни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари М.Сангилов олиб борди. У кириш сўзида кейинги йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўлида амалга ошириляётган ишлар, биринчи навбатда, электрон ҳужжат айланишига асосланган ўзаро муносабатларнинг янги соҳасини ривожлантиришга қаратиляётганини

таъкидлаб ўтди. Маълумотларнинг электрон тарзда тузилиши ва алмашилиши нафақат субъектларнинг ўзаро алоқалари ва ишлаб чиқаришдаги самарадорлигини оширади, балки электрон ҳукумат ва электрон тижорат каби интерактив муносабатларнинг янги йўналишларини ривожлантиради. Шу сабаб ушбу соҳалардаги электрон алоқалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг барча меъёрларини таъминлашга асосланган бўлиши, электрон ҳужжатлар алмашинуви эса қонуний, асл ва ишончли бўлиши лозим.

ФТМТМнинг Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази бошлиғи А.Валиев ҳамда унинг ўринбосари З.Раҳматуллаевларнинг маърузаларида электрон рақамли имзони қўллашнинг асосий жиҳатлари, электрон рақамли имзо ва ахборотни криптографик ҳимоя-

### ALOQA OLAMIDA

#### ИНТЕРНЕТ-ЙЎЛДОШ УЧИРИЛМАДИ



Япония фазони тадқиқ қилиш агентлиги (JAXA) келгусида осиеликларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлашга мўлжалланган Kazuna интернет-йўлдошини фазога олиб чиқиш муддатини бошқа пайтга кўчирди. Бунга Н-2А ракета элтувчисидagi носоликлар сабаб бўлган.

Маълумки, Япония ҳам бошқа илғор Осие мамлакатлари каби фазони фаол ўзлаштиришга киришган. JAXA дастурига кўра, япон астронавтлари 2020 йилда Ойга илк қадам қўйишади.



#### РАҚАМЛАР ТАҚИҚЛанаДИ

Домен номларини бошқарувчи ICANN ташкилоти биринчи тоифали доменларга қўйиладиган талаблар рўйхатини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказди. Associated Pressнинг хабар беришича, фақат рақамлардан иборат (масалан, .123) бўлган домен номлари рўйхатдан ўтказилмайди.

Шунингдек, рақамли доменлардан ташқари, оммавий файл турлари (.exe, .doc, .jpg, .pdf ва .mp3)га мос келувчи номлар ҳам тақиқланиши қўйиладиганди, аммо замонавий браузерлар ноодатий номлар ва файллар номини адаштирмаслиги боис уларга чеклов жорий этилмади.

Айни пайтда 250дан ортиқ биринчи тоифали домен мавжуд.

#### МОБИЛ ВИРУСЛАРИ ХАВФЛИМИ?!

Барселонадаги Mobile World Congress анжуманида яқинда ўтказилган сўровномалардан бирининг натижалари омма эътиборига хавола этилди. Сўровномада қатнашганларнинг 2,1 фоизи мобил телефон вируси муаммосига дуч келгани, 11,6 фоизи эса худди шу муаммога дуч келган танишлари борлигини айтишган. 83,6 фоиз қатнашчи эса мобил вирусдан зарар кўрмаганлигини таъкидлаган.



Аммо мутахассислар бу ҳолат хотиржамликка асос бўлолмайди, дейишмоқда. Уларнинг фикрича, мобил индустрия ривожини ва интернетга улашиш имконияти мавжуд телефонларнинг кўпайиши билан вирусдан зарарланиш эҳтимоли ҳам ўсиб боради.

Мутахассисларнинг таъвишланганича бор, масалан, 2005 йилда пайдо бўлган Commwarrior вируси ўтган йили Испанияда 110 мингтача телефонни ишдан чиқарган. Commwarriorнинг имкониятлари чексиз — Bluetooth ва MMS-хабар орқали ҳам бошқа телефонларга тарқала олади.

Бундан ташқари, яқинда 12 ёшли бола iPhone мобил аппаратларини ишдан чиқарувчи вирус яратгани ҳам маълум бўлди. Тўғри, унинг вируси ўз-ўзидан тарқамайди, бу ҳолат iPhone билан интернетдаги махсус тузук-сайтга кирилгандагина содир бўлади.

### ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Shmooson анжуманида компьютер хавфсизлиги бўйича мутахассислар — Чарлс Миллер ва Дино Даи Зови аксарият онлайн ўйин ишқибозлари шахсий маълумотлари хавфсизлиги борасида етарлича хабардор эмаслиги масаласини кун тартибига қўйишди.

Wal-Mart Sells Cheap Chair for Hard Core Hacking



Миллер ва Зови ўтган йил декабр ойида энг оммавий умумжаҳон онлайн тармоқларидан ҳисобланган Second Lifeда жиддий носоликлар ошқор бўлганидан сўнг журналистлар эътиборига тушганди.

Ҳозирда виртуал "мулоқот"га нафақат компьютер ўйинларига қизиқувчилар, балки бир қатор нуфузли компаниялар ҳам қизиқиш билдирапти. Жумладан, IBM компанияси ўз ходимлари ички фаолиятда фойдаланишлари учун Metaverse виртуал оламига яратмоқда. Лойиҳа бошлангич босқичда турибди, аммо IBMнинг Европа бўлимидагилар ўзаро мулоқотда Metaversedan фойдаланишга аллақачон ўтишган.

Suamant компанияси мутахассислари бу йил виртуал оламларга уюштириладиган ҳақерлик ҳужумлари сони сезиларли даражада кўпайиши тўғрисида гапиришмоқда.

Собит АҲАДОВ тайёрлади

KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

**“Бухоро Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида 2006-2007 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2007 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

Йиғилишда сўзга чиққан “Бухоро Телеком” филиали директори Шариф Худойбердиев, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукруллаева ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳусусида сўз юритишиб, жамоа шартномаси шартларини ўз вақтида бажариш ҳар бир касаба уюшмаси фаоли зиммасига алоҳида масъулият юклашини, биргаликдаги сай-ҳаракатлар туфайлигина ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда қўтилган натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидладилар.

Музокараларда Когон тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Музаффар Жумаев, ушбу боғлама касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Олга Эгамбердиева, филиал техник хизмат кўрсатиш маркази муҳандиси Тўлқин Рўзиев ва бошқалар сўз

# Жамоа шартномасига бағишланди

олиб, иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар ва бир қатор таклифларни ҳам айтиб ўтдилар. Жумладан, ёш муҳандис Т.Рўзиев ўз сўзида Ёшлар йили муносабати билан меҳнат жамоасида спортнинг мини-футбол тури бўйича “Филиал кўчма кубоги” мусобақаларини ташкил этишни таклиф қилди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг

Бухоро филиалида ҳам жамоа шартномасининг 2007 йил якунлари бўйича бажарилиши муҳокама қилинди. Бу ҳақда филиал директори Абдужаббор Атамуродов ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукруллаеваларнинг ахборотлари тингланди.

Музокараларда Когон ва Шофиркон туманлари почта алоқаси тармоқлари бошлиқлари Шавкат Халилов, Иззат Хўжаев,

Вобкент тумани почта алоқаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Одил Хайруллаев, Бухоро филиал меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси техниги Ўрин Норов ва бошқалар ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашни янада яхшилаш, уларга қулай меҳнат шaroитларини яратиб бериш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда ходимларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, жойларда касаба уюшмаси кўмиталари раислари иштирокида турли мавзуларда семинар машғулотларини ташкил этиш, жамоа шартномалари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини яхшилаш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича ҳам ўринли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Худди шундай йиғилиш вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўба корхонасида ҳам ўтказилди. Бўлиб ўтган барча йиғилишларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тоҳир Назаржонов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Уроқ Тўхтаев сўзга чиқишди.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири



**ТИЛ ЎРГАТИШ ВА КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ БЎЙИЧА ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ЎҚУВ МАРКАЗИ**

инглиз, араб, немис, турк, италийн, француз, рус ва ўзбек тиллари

**НАТИЖА БИРИНЧИ ДАРСДАН**

Марказ шартнома орқали таълим муассасалари, элчионалар ва ташкилотларга бориб, дарс ўтиш имкониятига ҳам эга.

**1-РАҚАМЛИ ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**Effective Study**

Хизматлар лицензияланган

**Машғулотлар Улугбек ҲАСАНОВнинг услуби бўйича олиб борилади.**

Тел.: Навоий — 226-0007  
Бухоро — 223-2569  
Тошкент — 281-4400  
383-2000 (узлуксиз).

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси-30.

**ҲАЁТДАГИ БИРДАН БИР БАХТ - БУ ДОИМО МАҚСАД САРИ ОЛГА ИНТИЛИШДИР!**

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

# «Universal Ta'lim»

Ўқув маркази куйидаги интенсив ўқув бўлимларида таклиф қилади:

- АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:** (фақат яққа тартибда)
  - Компютерда офис ишлари (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
  - INTERNET ва E-MAIL (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
  - Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
  - Компютерларо локал тармоқлар ва сервер бошқаруви - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
  - Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere (видеомонтаж) дастури. 1-2 ой, 1 ойга — 40-50 минг сўмдан.
  - WEB-сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) - 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
  - Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм. Ва бошқа дастурлар...
  - SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм. Ва бошқа дастурлар...
- МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:** (малакали раҳбар ва бош хисобчилар дарс берадилар)
  - Ўрта ва кичик бизнес менежери — 1 йил, тезкор -5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қўнчилиги, компютер, интернет).
  - Бухгалтер - молиячи (бош хисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нондан баланслар, Компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
  - "1С" бухгалтерия программаси - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яққа тартибда.
  - "1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати шартнома асосида.
  - Корхона ҳуқуқшунослиги (Компютер. Ҳужжатлаштириш).
- Дарслар фақат яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда даярли ҳужжат топширган кунингиздан, бошланади;**
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки тузилганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиши йўли билан!
- Сертификат — диплом берилади.
- Қабул: 9:00-19:00, дам олиш кuni — яқшанба. Ётоқхона - 1 ойга 25-30 минг сўм.

- Мехнат қўнчилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия** - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- Кадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, меҳнат қўнчилиги).
- Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

- ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИ ҲАЁТГА ТАЙЕРЛАШ БЎЛИМИ:** (фақат кичик гуруҳларда)
  - Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
  - Электромонтер - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
  - Уяли телефонларни таъмирлаш - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
  - Уяли телефонларни дастурлаштириш - 1 ой, 200 минг сўм.
  - Заргарлик - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яққа тартибда, заргар ўргатади.
  - Сартарош-стилист, педикюр-маникюр (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Тирноқлар ва кийрикларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш,чишиш (яққа тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
  - Косметолог-визажист - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Фармацевтика (Компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиш дархонада.
  - Тиббиёт хамшираси, массаажчи - (Компютер ва интернет билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиш поликлиникада.
  - Кўйимларни тикшириб-бичиш, моделлаштириш ва элита дастурлар - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.
  - Астарли устки кийинлар тикиш - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яққа тартибда).
  - Тўй ва оқшом кўйлаклари тикиш - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яққа тартибда).
  - Газламалардан гуллар ясаш - 2 ой, тезкор - 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм (яққа тартибда).
  - Кўлда кийим-буюмлар тўқувчи (яққа тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
  - Бисер усулида каштак-безакчи - (олий курси билан) 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Бисер асосида дизайн - (яққа тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Зардўзлик - (яққа тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
  - Машинада ва кўлда каштак тикиш (вишивка) - 3 ой, 1 ойга 25 минг сўм (яққа тартибда).
  - Ўсимлик ўйимчюклар ясаш (яққа тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Ҳўйғур, миллий ва европа таомлари (70дан ортик овқатлар) 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Пазандачилик - (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Тортларни олий даражада безатиш санъати - 1 ой, 150 минг сўм (яққа тартибда).
- ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:** (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
  - Инглиз тили - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чўқур ўрганиш) гид-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Рус тили - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - Немис, француз, инглиз, рус, корейс, турк ва араб тиллари - (яққа тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 100 минг сўм.

**МАНЗИЛ:** Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 13-уй.  
**КЕЛИШ ЙЎЛИ:** Автобус: 77. Трамвай: 9.  
**Троллейбус 6. Маршрутка:** 98, 132, 15, 134, 40, 81, 12, 98. **Метронинг** “Ҳамза” бекати.

Мўлжал: “Flagman” кафе-ресторанининг ўнг томонидаги 13-уй.

**Тел.: 173-91-60(факс), 173-44-26.**

Лицензия № ASUZ 0919220070002-05



ТО‘УХАТ

Хар тонг Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг раво, озода йўлқаларидан аста одимлаб келаётган ўрта бўйли инсонга кўзингиз тушади. Очиқ чехрали, зиёлиларга хос ўйчан бу муаллим кўтлуг 70 ёшни қоралаётган Комилжон Акбаровдир.



# Комил муаллим сабоқлари

Комилжон ака ўзбек зиёлиларининг катта авлодига мансуб барча гўзал фазилатлар – камтарлик, сиполик, ўқимишли одамларга хос вазминлик, меҳнатсеварлик, танлаган касб-корига содиқлик каби хислатларни ўзида мужассам этган. Дўст-ёрлари, ҳамкасблари уни оддига Комил муаллим деб аташни яхши кўришади.

Киргизистон Республикаси Ўш вилоятининг Новқат тумани атрофи боғ-роғлар, баланд тоғлар билан ўралган гўзал маскан. Комилжон ака шу гўзал масканда таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатиб, 1956 йилда Фарғона давлат педагогика институтини (ҳозирда ФарДУ)нинг физика-математика факултетига ўқишга кирди.

Талабалик йиллари Комилжон бир қатор дўст-ёрлар орттирди, гарчи ўзи физика-математика фанлари асосларини эгаллаётган бўлса ҳам, унда бадиий адабиётга иштиёқ ўша йиллари пайдо бўлди. Унинг бу соҳага муҳаббати шоир ва олим Иқбол Назаров, ёзувчи Йўлдош Сулаймон, профессор Гулчехра опа Хамидовалар номи билан боғлиқ бўлиб, улар иштирокидаги кизгин бахс, суҳбат ва тортишувлар натижасида Комилжоннинг тил-адабиёт ва санъат соҳасига оид билимлари кенгайди, сўз санъатини бир умрга севиб қолди.

Институтни битиргач, Комилжон бир неча йил Новқат тумани мактабларида физика-математика фанларидан дарс берди, туман “Билим” жамиятида масъул котиб вази фасини бажарди. 1967 йилдан эса Фарғонага қайтиб, педагогика институтининг “Ишлаб чиқариш асослари” кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинди. Сўнгра Самарқанд Давлат университети «Физика» кафедрасида ассистент бўлиб ишлаб илмий-тадқиқот ишлари билан жиддий шуғуллана бошлади.

Комил муаллим билан суҳбатлашсангиз, 1967-1971 йиллар оралигида Озарбайжон Фанлар Академиясига қарашли Физика илмий-тадқиқот институтини аспирантурасида таҳсил олган давларини мароқ билан ҳикоя қилиб беради. Боку шаҳри марказида жойлашган бу институт Комил муаллимнинг бўлажак олим сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

НИКМАТ

## Зар қадрини заргар билади.



Ҳага эндигина кириб келган йигитқизларга олимлик меҳнати ва масъулиятидан сабоқ берди. БевоСИТА унинг маънавий ёрдами ва маслаҳатларидан мадад олган 20дан зиёд ёш олимлар илмий ишларини муваффақиятли яқунлаб, фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларига эга бўлишди. Институтда иқтидорли талабалар билан махсус машгулотлар олиб бориш амалиётга киритилди, Тил ўрганиш маркази ташкил этилди.

Етмиш ёшга кирган бўлса ҳам ҳамон бардам ва бақувват Комилжон ака тиниб-тинчимайди. У ҳозир ТАТУ Фарғона филиалида “Табиий фанлар” кафедраси мудири, ўнлаб ёш ўқитувчилар, юзлаб талабаларга севиқли устоз бўлиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар маркази грантлари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларга ҳам самарали ҳисса қўшиб келмоқда.

Комилжон Акбаровнинг бобокалонлари ва ота-оналари узоқ умр кўриб, бахтли кексалик гаштини сурган одамлар бўлишган. Шунинг назарда тутсақ, 70 ёш Комил муаллим учун айни етуқлик ёшидир. Улкан гоёлар билан яшаш ва ишлаш етуқлик поғонасига қадар юксалган Комил муаллимга насиб этсин, деб тилак билдираимиз.

Набижон СОЛИЕВ,  
ТАТУ Фарғона  
филиали доценти

NAVOIYXONLIK

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалламизда навоийхонлик кечаси ўтказилди. Давра иштирокчиларига маҳаллада истиқомат қилувчи мусикашунос, тилшунос, табиатшунос олимлар Алишер Навоий ҳаётининг айрим саҳифалари мисолида ибратли сабоқ беришди.

# Ёшлар тарбиясига эътибор

Жумладан, тилшунос Ю.Эшонкулов буюқ шоир истеъдоди борасида мўътабар манбалардан қизиқарли маълумотлар келтирди. Уларга кўра, Алишернинг ота-боболари азалдан теурийлар хонадонларига ўз кишиларидек яқин бўлган. Ғиёсиддин Баҳодир ўгли Алишерни теурийлар хонадонига хос аънаана асосида яхши тарбиялашга ҳаракат қилган. Шу ниятда уни гўдаклигдаёқ донишманд бир адиб парваришига топширган. Тўрт ёшдан ошганида эса ўзидан уч ёш катта бўлган Хусайн Бойқаро таҳсил олаётган мактабга берган. Навоийнинг кейинчалик хотирлашича, мураббий ва устозлар болаларга савод ўргатишда матнни баланд овозда ўқиттиришган, шеър ва газаллар ёдлатишган. Булар унинг шеърингга қизиқишини кучайтирган. Айни чоғда ёшлигидан хонадонларига шоир, мусикашунос тоғалари Мирсаид (Қобулий),

Муҳаммад Али (Фарибий) ҳамда уларнинг дўстлари иштирокида тез-тез мушоира ва мароқли суҳбатлар бўлиб турганлиги ҳам унинг зеҳнини тоблаб борган. Буларнинг ҳаммаси Алишерга Аллоҳ томонидан инъом этилган истеъдоднинг такомиллини тезлаштирган омиллардир. Унинг уч ёшидаёқ бир форсий газални улуғлар даврасида таъсирли ўқиш билан ҳаммани ҳайратга солган, 6-7 ёшида эса туркий ва форс тилларидаги минг-минглаб байтларни, жумладан, Ф.Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» асарини бошидан охиригача ёдлаб олгани каби далиллар муҳит, аънаана ва эътибор таъсирининг ёрқин самараларидир.

Алишер Навоий устозлари ўз асарлари воситасида болаликдан унинг мурғак қалбига шеърингга ишқ чўғини ташлаганликларини шундай ифодаляди:

Кичик эрканимдан бўлуб қошима,  
Буюқ мударо солданиш қошима.

Бу мударо — буюқ адабиёт яратиш мақсади эди. Алишер ёшлигидан то умрининг охиригача ана шу улуғ мақсад йўлида тинмай, оғишмай фаол ҳара-

кат қилди, зўр иштиёқ ва фидойилик билан ижод этди. Шу йўлдаги барча қийинчилик ва мураккаб гов-тусиқларни метин ирода ҳамда бардош-тоқат билан ортда қолдира олди. Натижда, шоирнинг ўзи қонқиш билан айтганидек, тенгқурларининг юздан бирига муяссар бўлмайдиган ютуқларга эришди.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Т.Фафурбеков Алишер Навоийнинг мусикага иштиёқи баланд бўлганлиги, ёшлигиданоқ ўз газалларига куй басталай бошлаганлиги, мусика санъати, бастакорлик соҳасидаги истеъдоди ҳақида ноёб маълумотлар келтирди. Шу нуқтаи назардан шоирнинг «Мажолис ун-нафоис» ва илмий-тарихий асарлари алоҳида қимматга эгалигини ўқтирди.

Маҳалла раиси, физика-математика фанлари доктори Ш.Мирсоатов Навоий бой меросининг маънавий-маърифий ва жаҳоншумул аҳамияти, бу соҳада мустақиллик йилларида катта ишлар амалга оширилгани ҳақида гапирди. Бугунги суҳбат маҳалла аҳлини буюқ мутафаккиримиз ҳаёти ва фаолияти қирралари билан яқиндан таништириш йўлида яхши бир тадбир бўлганлигини таъкидлади. Ёшлар омилига ҳамиша эътибор бериш долзарблигини ҳуқуматимиз ва Президентимизнинг сиёсати ҳам тасдиқлаб турганлигини ўқтирди. Маҳалла ёшларини бобокалон шоиримизнинг ҳаёт йўлидан ибрат олишга, улуғ мақсадлар сари фаол ҳаракат қилишга ва унинг қуйидаги сингари лан্দларига риоя этишга чорлади:

Йигитликда йиг илмнинг маҳзанин,  
Қарилик чоғи сарф қилгил ани.


Шоҳруҳ ЮСУФЗОДА,  
Тошкент Халқаро Вестминстер  
университетининг  
2-босқич талабаси

## Тантаналар давом этмоқда

Ҳар бир халқнинг ардоқли, улуғ кишилари бор. Ана шундай буюқ инсонлардан ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намоёндалари, шеъринг осмонининг порлоқ юлдузлари Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунларига бағишланган тантаналар Самарқандвилояти бўйлаб давом этмоқда.

Асосий тадбир Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан уюштирилди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик ўқув юрти сержантлари билан «Навоий Самарқандда» ва «Заҳриддин Муҳаммад Бобур 525 ёшда» номли виқторина ўтказилди. Унда 600 нафар сержант ҳамда офицерлар иштирок этишди. Тадбирда шоира Ҳалима Худойбердиева Ватан, юрт келажиги тўғрисидаги шеърларидан ўқиб берди. Тадбирни Х.Олимжон номидаги вилоят драма театри актёрлари «Алишер Навоий» номли спектакл намоиши билан яқунладилар.

Маҳбуба КУЛОВА



## ДИНОЗАВРЛАР НИМАДАН ҚИРИЛИБ КЕТГАН?

Сайёрамызда динозаврларнинг йўқолиб кетишини метеорит кулаши билан изоҳлаш нотўғри. Жанубий Калифорния университети олимларининг фикрича, бунга ҳаво ҳароратининг глобал ошиб кетиши сабаб бўлган. Динозаврлар тахминан 250 млн йил муқаддам йўқолиб кетган ва ўша пайтда улар билан биргаликда ер шаридаги жониворларнинг 90 фоизи нобуд бўлган.

Янги фараз олимларининг фикрича, жониворларнинг қирилиш жараёни фалокат (метеорит кулаши)дан 10 млн. йил илгари бошланган. Шуниси қизиқки, қирилиш дастлаб куруқликда эмас (метеорит куласи шундай бўлиши лозим эди), балки океан чуқурликларида яшовчи жониворларда бошланган. Улар кетидан денгиз қўлтиқ ва бўғозлари ҳамда маржон рифлари (сув юзасига чикан денгиз ўсимлиги)да яшовчи жониворлар йўқолиб кетган. Демак, динозаврлар жонига океан қаридан келган қандайдир офат зомин бўлган.

Палеонтологларнинг тахмин қилишича, бу офат олтингургуртли водород (водород сульфат) газидир. Ер шарида қисқа вақт мобайнида кўпгаб вулконларнинг отилиши ва атмосферага кўп микдорда углеродли газ чиқиши оқибатида океан қизиб кетиб, ўзида кислородни тутиб қолмайди. Натижада океан чуқурларидан чиққан заҳарли газ оқорига кўтарилади. Оқибатда кўпгаб жониворлар заҳарланган ёки радиация таъсирида қирилиб кетган.

Ахборот муносабатларининг субъектлари

Адресат (ru — адресат, en — addressee) — Маълумотлар Интернет тармоғи каналлари бўйича узатиладиган жисмоний ёки юридик шахс.

Маълумотлар узатиш адресати (ru — адресат сообщения данных, en — addressee message) — Тузувчининг мақсадига кўра, маълумот хабарлари-



ни олиши керак бўлган, бу маълумот хабарларига нисбатан воситачи сифатида иш юритувчи шахслардан ташқари, бирон бир шахс.

Ахборот эгаси (ru — владелиц информации, en — information owner) — Ахборот эгаси билан шартномага кўра ахборот ресурсларига эгалик қилиш, фармойиш бериш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ахборот муносабатлари субъекти.


Ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларининг эгаси (ru — владелиц информационных ресурсов, информационных систем, технологий и средств их обеспечения, en — the owner of information resources, information systems, technologies and means of their maintenance) — Кўрсатилган объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи ва қонун ҳужжатларида белгиланган доираларда буйруқ ваколатлари амалга оширувчи субъект.

## СУНЪИЙ КЎЗ ЯРАТИЛАДИ

Буюк Британиялик биолог, невролог ва тиббиётчилар лаборатория шароитида кўз олмасини сунъий равишда етиштириш лойиҳаси устида ишлашяпти. Мутахассисларнинг айтишича, уларнинг тадқиқотлари муваффақиятли яқунланса, лабораторида етиштирилган кўзлар миллионлаб кишиларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундан ташқари, Буюк Британия олимлари қўллаётган технология ёрдамида кўз олмасининг алоҳида қисмларини ҳам етиштириш мумкинки, келгусида улардан микрожарроҳлик кўз операцияларида фойдаланса бўлади. Бироқ олимлар ҳозирча тадқиқотларнинг дастлабки босқичларини ҳайвонларда тажриба қилиб кўришмоқда.

— Агар биз кўз олмасини яратишда зарур бўладиган барча генларни аниқлашга эришсак, уларни ҳаракатга келтириш сирларини топсак, жароҳатланган кўз олмасини бемалол алмаштириш мумкин бўлади, — дейди лойиҳа раҳбари Николас Дейл. — Яқин келажақда кўзи операция қилиниши лозим бўлган кишининг генетик материалидан кўзнинг турли қисмларини яратиш, эгасига ўтказиш тўғрисида гапириш мумкин.



### PAZANDA MASLAHATI

#### ПИЁЗ ДЎЛМА

Пиёздан ҳам дўлма тайёрлаш мумкинлигини биласизми? Бундай дўлма тайёрлаш учун бир хил катталикдаги шолғомсимон пиёздан 10-12таси танлаб олинади. Банди қирқилиб арчилади ва қайнаб турган сувга солиб олингач, қатларидан ажратилади. Ана шу пиёз "қосачалар"га қийма солиниб, дўлма тайёрланади. Дўлмалар қозон (аввал йириклари сўнгра майдалари)га уста-уст қилиб терилади. Сўнгра устига сардак қуйилади. Сўнгра идиш қопқоғи зич ёпилиб, оловга қўйилади ҳамда 40-45 дақиқа давомида сусти оловда пиширилади.

Қиймасига: 500 гр. гўшт, 300 гр. жигар, 300 гр. пиёз ва бир дона тухум, таъбга кўра туз ва зиравор, сардакга 200 гр. доғланган ёғ (сариеғ бўлса янада яхши), 2 стакан тузланган бодринг суви ва бир ошқош томат пастаси керак бўлади.

Пиёз дўлманинг қиймаси қуйидагича тайёрланади: ёғли гўштни қиймалаб, жигар майдалаб тўғралади. Таъбга кўра туз, мурч ва тухум араштирилади.

Тайёр таомни ликопчаларга 4-5 донадан солиб (юзига сардакдан 1-2 қошиқ солиб) дастурхонга тортилади.



## БИЛАСИЗМИ?

■ 1868 йилда Франция императори Луи Наполеон III (1808-1873) армия зобитлари учун сариеғ ўрнини боса оладиган маҳсулот ихтиро қилиш ҳақида фармон берди. Орадан бир йил ўтиб, кимёгар Ипполит Меж-Муре бугунги кунда маргарин деб номланадиган маҳсулотни ихтиро қилган.

■ Синган суякни қотириш учун гипсдан фойдаланишни биринчи бўлиб 1852 йилда рус ҳарбий жарроҳи Николай Иванович Пирогов (1810-1881) қўллаган. Севастопол мудофааси (1854-1855), Франция-Пруссия урушлари (1870-1878) да иштирок этган Пирогов ҳарбий дала жарроҳлигининг асосчисидир. У оғир ярадор аскарларни жанг майдонининг ўзида нарқоз билан операция қилган биринчи жарроҳ ҳисобланади.

■ "Магги" бўлакчалари ихтирочилиги швейцариялик ишбилармон Юлиус Магги Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида анчагина бойиб кетган. Чунки унинг маҳсулоти жанг қилиб, тузуқроқ овқатланиш имкониятига эга бўлмаган аскарлар учун айни муддао эди.

■ Ёрқин рангли кийимлар офат келтирган вақтлар ҳам бўлган. Масалан, Биринчи жаҳон уруши йилларида француз аскарларининг мундири қизил рангда бўлган. Шу сабаб улар рақиб томон учун аниқ нишонга айланишган. Минг-минглаб аскарларидан ажралган Франция ҳукумати тезда мундир рангини ўзгартириш ҳақида қарор чиқарган.

### FOYDALI MASLAHATLAR

▲ Олхўрининг япроғи билан оғиз чайилса, бодом безларига валак-лукка тушадиган назлаларни қайтаради.

Бинофшанинг шакарда пиширилган мураббоси кўкракни юмшатади.

▲ Шароб — зотилжам, ўпка яллиғланишида ва буйрак оғриғида фойдалидир.

▲ Пиёз суви асал билан бирга ишлатилса, томоқ оғриғида фойда қилади. Уруви туз билан қўшиб ишлатилса, сўғалларни кўпоради.

▲ Тухумнинг оқи юзга суртилса, қуёшдан тери рангининг қорайишига тўсқинлик қилади. Сариги қовурилиб, асал билан эзилса сепкил ва офтобдан қорайганга қарши суртма бўлади.

▲ Халқум дағаллашганда илтиҳан тухум фойда қилади.

▲ Гултоғж хўроз жароҳатлар ва яраларни битиради, шираси оғиз оғриғига энг яхши даводир.

Тайёрловчи: Абдухалил ҲОШИМОВ, "ЎзАлоқКонсалтинг" МЧЖ ходими

SPORT

ERKIN KURASH

## ЖАҲОН КУБОГИДА 3-ЎРИН

Владикавказда эркин кураш бўйича Жаҳон кубоги мусобақалари низоёсига етди. Унда дунёнинг энг кучли олтита жамоаси – Россия, Куба, Ўзбекистон, Украина, АҚШ ва Туркия терма жамоалари бош соврин учун баҳс олиб борди.

Ўзбекистонлик курашчилар Туркия ва Куба спортчилари билан бир гуруҳдан ўрин олди. Биринчи турда Туркия терма жамоасига ҳеч қандай имконият қолдирмаган вакилларимиз гуруҳнинг ҳал қилувчи баҳсида Куба курашчиларига қарши гиламга чиқишди. Учрашув тенг курашлар остида ўтди. Ҳал қилувчи баҳсда гиламга оғир вазнли курашчилар – Олимпиада чемпиони Артур Таймазов ва 2007 йилги жаҳон чемпионати қумуш медали соҳиби Алексис Родригеслар таклиф этилди. Ушбу азалий рақиблар ўртасида кечган қизгин курашда ҳамюртимизнинг кўли биланд келди. Шундай қилиб, якуний ҳисоб – 3:3. Фақатгина қўшимча кўрсаткичларга кўра терма жамоамиз финалга чиқа олмади.

Учинчи ўрин учун кечган беллашулда Ўзбекистон терма жамоаси Украина курашчиларини 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финал баҳсида Россия курашчилари кубаликларни енгиб, голиб бўлишди.



FUTBOL

## “ҚУРУВЧИ” ТУРКИЯ САФАРИГА ЯКУН ЯСАДИ

Юксак натижаларни кўзлаётган “Курувчи” жамоаси 2-17 феврал кунлари Анталиядда мавсумолди ўқув-йиғин машқларини олиб борди, дея хабар беради www.pfc-kuruvchi.com сайти.

Туркияда “Курувчи” жами еттига ўртқолик учрашуви ўтказди. Даставвал Словакиянинг “Татран Пресов” клуби устидан 1:0 ҳисобида галаба қозонилди. Кейин эса Руминия чемпионати иштирокчиси “Дунаре” клуби ҳам 1:0 натижаси билан мағлуб этилди. Учинчи баҳс эса Украинанинг “Оболон” жамоасига қарши кечди ва Улугбек Бақоев томонидан киритилган ягона гол “Курувчи”га галабани тақдим қилди. Кейинги гал эса Москва “Динамо”чиларининг ўринбосарлари билан беллашилди ва Миржалол Қосимов шогирдлари россияликлар дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўлладилар. Россия чемпионати биринчи дивизиони вакили “Витяз” эса 2:1 ҳисобида мағлуб бўлди. Анталидаги ягона мағлубият Латвиянинг “Даугава” клуби билан учрашувда қайд этилди. Ушбу учрашувда Миржалол Қосимов асосан ёшларни синовдан ўтказганини таъкидлаб ўтиш лозим. Туркия йиғинида режалаштирилган сўнгги баҳс эса Жанубий Корея кубогининг ўтган йилги финалчиси “Сеул” клуби билан ўтказилди. Қизиқарли ва шиддатли кечган учрашув “Курувчи”нинг 3:2 ҳисобидаги галабаси билан яқун топди.

18 феврал куни “Курувчи” клуби аъзолари Тошкентга етиб келишди. Мураббийлар штаби футболчиларга уч кунлик таътил берган. 21 феврал куни футболчилар клубнинг “Геофизика” базасига йиғилишади ва бир ҳафта давомида Тошкентда шугулланишади. Кейин эса 17-миллий чемпионатнинг дастлабки турини ўтказиш учун Наманганга йўл олинади. Бу учрашув 1 март куни ўтказилади.



BOKS

## НИКОЛАЙ ВАЛУЕВ ЯНА ДАЪВОГАР

Германиянинг Нюнберг шаҳрида ўтказилган бокс кечасида россиялик супер оғир вазнли боксчи Николай Валувел белоруссиялик Сергей Ляхович устидан ишончли галабага эришди.



Валувел жанг давомида жуда фаол ҳаракат қилди, унинг томонидан уюштирилган кетмакет ҳужумларга белорус боксчиси деярли қаршилик кўрсата олмади. Ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди – 120:108, 120:108 ҳамда 120:107. Шундай қилиб, “Рус гиганти” WBC чемпионига қарши рингга кўтарилиш ҳуқуқини қўлга киритди.



23 феврал куни эса супер оғир вазн тоифасида яна бир қизиқарли баҳс гувоҳи бўлишимиз мумкин. Унда украиналик Владимир Кличко (IBF) ҳамда россиялик Султан Ибрагимовлар қўшма чемпионлик жангини ўтказишади.

Ўтганларнинг охириги обод бўлсин

Андижон вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва «Андижон Телеком» филиали жамоалари филиал электралоқа бўлими мутахассиси Сойибжон Алимовга падали бузруквори **Солижон отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

## ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ:

### 1/8 ФИНАЛ

19-20 феврал кунлари барча футбол мухлисларининг эътибори Европа яшил майдонларига қаратилди. Чемпионлар лигаси чорак финал баҳслари доирасида яшил қитъанинг энг номдор клублари ўзаро баҳс олиб боришди.



Ливерпул (Англия) – Интер (Италия) – 2:0

Голлар: Куйт, 85; Жеррард, 90.

Рома (Италия) – Реал (Испания) – 2:1

Голлар: Писарро, 24; Мансини, 58 – Раул, 8.

Шалке-04 (Германия) – Порту (Португалия) – 1:0

Гол: Курани, 4.

Олимпиакос (Греция) – Челси (Англия) – 0:0.

Арсенал (Англия) – Милан (Италия) – 0:0

Селтик (Шотландия) – Барселона (Испания) – 2:3

Голлар: Веннегоор оф Хесселинк, 16; Робсон, 38; – Месси, 18; 80; Анри, 52.

Лион (Франция) – Манчестер Юнайтед (Англия) – 1:1

Голлар: Бензема, 54 – Тевес, 86.

Фенербахче (Туркия) – Севиля (Испания) – 3:2

Голлар: Кежман, 17; Эскуде, 66; Шентюрк, 88; Эду, 23 (автогол); Лугано, 57.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
- Бахтиёр КУБЕЕВ
- Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
- Миродил САНГИЛОВ
- Шухрат СОДИҚОВ
- Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
- Асаджон ХҲҲАЕВ
- Рустам ҚОСИМОВ
- Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАЅИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 233-36-48; 236-35-29. Факс: 236-36-42. E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал** — ❶ Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

153-G сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алали: 14768 нусха.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ. Матн тереви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00. 1 2 3 4 5 6 7 8

ТАНРИРИЯТГА ХАТ

*Ассалому алайкум!*

"Xabar" gazetасини талабалikka қабул қилинганимдан буён мунтазам ўқиб бораман. Алоқа соҳасига оид энг долзарб мавзуларнинг ёритилиши менга маъқул келмоқда. Шу ўринда бир таклифим бор эди. Газетада шахмат ўйини бошқотирмаларини бериб борсангиз. Шу орқали иқтидорли талаба ўйинчилар топилиб, ўзаро мусобақалашисса. Заковатга ундовчи турли савол-жавоблардан ташкил топган танловлар ўтказилса ҳам нур устига аъло нур бўларди.

Самариддин МУСУРМОНОВ,  
Тошкент ахборот технологиялари университети  
1-босқич талабаси

ТАХРИРИЯТДАН:

Газетхонларнинг таклиф ва мулоҳазалари биз учун доимо қадрли. Муштарий-имизнинг таклифи асосида газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб шахмат ихлосмандлари ва билимдонлари учун қизиқарли масалалар бериб борамиз. Шу боис, "OQLAR BOSHLAYDI VA..." руқнимизни кузатиб боринг ва унда фаол иштирок этинг. Шахмат ечимларини тўғри топганлар номи газетамизда бериб борилади. Фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни тахририятимизга ёки электрон почта манзилимиз ([xabarnoma@mail.ru](mailto:xabarnoma@mail.ru))га жўнатинг.


"OQLAR BOSHLAYDI VA..."

МАНСУБАЛАР

Мансуба — арабча сўз. Ўзбек тилига ўйирганда "шахмат-бошқотирма" мазмунини англатади.

Қадимий араб ва форс ёзма манбаларининг шохидлик беришича, шахмат (шатранж, чатуранга) тарихи минг йилларга бориб тақалади. Ана ўша манбаларда кўҳна шахмат масалалари, яъни мансубалар ҳам келтирилган.

Абу Наим ал-Хадим (IX аср. Марказий Осиё) мансубаси



Уч юришда мот

Али Шатранжий (XV аср. Самарқанд) мансубаси



Беш юришда мот

Эслатма: мансубаларда жумбоқ ечими қора шохга кишт беришдан бошланади.

*Табриклаймиз!*

"Қорақалпоқ Телеком" филиали Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғламанинг 6-АТС оператори Умирбой ҚУРБАНИЯЗОВни тугилган кунин билан чин юракдан табриклайди. Унга саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Эллиқалъа почта алоқаси тармоғи жамоаси Думанқалъа алоқа бўлими бошлиғи Хўжабай ЖАРКИНБАЕВ ва тармоқнинг пенсия бўлими оператори Пошшагул ҚУШМУРАТОВАларни таваллуд айёми билан муборақбод этади. Уларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

FARZANDINGIZGA O'QIB BERING

САВОЛ ЙЎЛЛА, БОЛАЖОН

Уйимизда бор ЭҲМ, Тугма боссанг санайди. Дастурин билиб олсанг, Эртаси ҳам эслайди.

Компютер кўп қизиқ — Ранг-баранг ўйинлари. Хоҳласанг сурат чизиб, Уззу-кун ишлар қизиб.

Мултиқлар кўрсатади, Турли қўшиқ айтади.

Хоҳласанг почтасида, Мактуб олиб қайтади.

Интернети аломат, Уланади бир онда. Оддий телефон билан Америка, Олмонда.

Бор электрон почта, У бехато ишлайди. Сени овора қилмас, Бошқаради сичқонча.

Аста билиб оларсан, Алоқанинг номини. Қани, айтгин болажон, Сенга ёқиб қолдимиз?!

Бизга савол йўллагин, Қизиқтирса агарда. Тезда жавоб оларсан, Газетамиз "Xabar"да.

Матлуба НАСРИДДИНОВА,  
"ТШТ" филиали ходими

YASAB KO'RING

КОМПЮТЕРДАН... АВТОМОБИЛГАЧА

Агар компютерингиз умуман яроқсиз ҳолга келиб қолса, уни ташлаб юборишга шошилманг. Чунки унинг эҳтиёт қисмларидан ажойиб буюмлар, совғабоп ўйинчоқлар ясаш мумкин. Бунинг учун сиздан озгина кунт ва маҳорат талаб қилинади, холос.



2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

423-431. "Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ютуқлари" купонли почта маркалари туркуми. О.Андреевский дизайни.

Маркаларда Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида голибликни қўлга киритган Ўзбекистон спортчилари тасвирланган.



431. "Ўсовитина Оксана" почта маркаси. Гимнастика. Барселонадаги Ёзги Олимпия ўйинлари. 1992 й. Олтин медал.

426-431 маркалар 6 марка, 3 купондан иборат кичик варақ кўринишида босилган.

426-428 маркалар горизонтал бўйича юқорида, 429-431 маркалар горизонтал бўйича пастда жойлашган.



432. "Спорт мажмуасида "Қураш" мусобақаси" купонли почта маркаси. Маркада Тошкент шаҳридаги янги спорт мажмуасида ўтказилаётган мусобақалар тасвирланган. Варақда 2 марка, 2 купон бор.



433. "Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигининг 10 йиллиғи" почта маркаси. Рассом Ю.Габзалилов. Маркада зангори рангдаги фонда Ҳамдўстлик эмблемаси, юқорида Ўзбек тилида юбилей матни берилган. Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлик қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 26x37 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха. Варақдаги маркалар сони 50та.